


ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ ҲАМДА МАҲАЛЛА БЮДЖЕТИНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ МЕТОДОЛОГИЯСИ



**ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ ҲАМДА МАҲАЛЛА БЮДЖЕТИНИ МОНИТОРИНГ
ҚИЛИШ**

ТОШКЕНТ 2026

Ташаббусли бюджет ҳамда маҳалла бюджетини жамоатчилик мониторинг қилиш методологияси

Буюртмачи: “Юксалиш” ҳаракати

Ижрочи: Иқтисодчи Наркабулов Нодир

EGED дастури доирасида, “Юксалиш” ҳаракати буюртмасига асосан тайёрланган мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикасида ташаббусли бюджет ҳамда маҳалла бюджети доирасида жамоатчилик мониторингини амалга оширишнинг методологик асосларини тақдим этади.

Ҳужжатда жамоатчилик мониторингининг концептуал ёндашуви, мақсад ва вазифалари, ҳуқуқий ва институционал асослари ҳамда уни амалга ошириш босқичлари тизимли равишда ёритилган. Шунингдек, мониторинг жараёнини ташкил этиш, далиллар асосида баҳолаш, натижаларни таҳлил қилиш ва уларни қарор қабул қилиш жараёнларига интеграция қилиш механизмлари ишлаб чиқилган.

Методология маҳаллий бюджет маблағларининг режалаштирилиши, тақсимланиши ва сарфланиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, шаффофлик ва ҳисобдорликни ошириш ҳамда аҳоли иштирокини институционал даражада мустаҳкамлашга қаратилган. Ҳужжат доирасида мониторингни ўтказиш тартиби, баҳолаш мезонлари, ҳисобот шакллари ва жамоатчилик иштирокини таъминлаш усуллари батафсил баён этилган.

Алоҳида эътибор лойиҳаларнинг ҳаётий цикли давомида мониторинг қилиш, аҳоли фикрини инобатга олиш, инклюзивликни таъминлаш, шунингдек, натижадорликка йўналтирилган баҳолаш ёндашувларига қаратилган. Методология жамоатчилик мониторингини фақат назорат воситаси эмас, балки маҳаллий бошқарув сифатини оширишга хизмат қилувчи амалий механизм сифатида қарашни назарда тутди.

Шунингдек, мазкур ҳужжат мониторинг натижаларини маҳаллий бошқарув қарорларига таъсир қилувчи инструментга айлантириш, бюджет жараёнида фуқаролар иштирокини кенгайтириш ва давлат ҳамда жамоатчилик ўртасидаги конструктив мулоқотни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Методология давлат органлари, маҳаллий ҳокимиятлар, халқ депутатлари Кенгашлари, нодавлат ноτιжорат ташкилотлари, тадқиқотчилар, журналистлар ҳамда маҳаллий ривожланиш жараёнларида иштирок этувчи фуқаролар учун мўлжалланган.

Ушбу ҳужжат «Иқтисодий ривожланиш учун самарали бошқарув» (EGED) дастури доирасида тайёрланган бўлиб, Буюк Британия ҳукуматининг халқаро тараққиётни қўллаб-қувватлаш бўйича молиявий қўмағи ҳисобидан амалга оширилган. Таҳлил мазмуни учун масъулият «Юксалиш» ҳаракати зиммасига юкланади. Мазкур ҳужжатда билдирилган фикрлар Буюк Британия ҳукуматининг расмий нуқтаи назарини акс эттирмаслиги мумкин.

© Иқтисодчи Наркабулов Нодир, 2026 й.

© «Юксалиш» ҳаракати, 2026 й.

Матн ва унинг фрагментларини ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай воситалар орқали қайта чоп этишда манбани кўрсатиш ҳамда ҳуқуқ эгаларига қуйидаги электрон почта манзили орқали хабар бериш зарур: info@yuksalish.org

МУНДАРИЖА

I. Кириш.....	5
II. Методологиянинг мақсад ва вазифалари	5
III. Концептуал асос: Аҳоли ва бошқалар иштирокидаги жамоатчилик мониторинги нега керак?	6
IV. Норматив-ҳуқуқий ва институционал асослар.....	8
Ўзбекистон қонунчилиги.....	8
Ташаббусли бюджетнинг ҳуқуқий асослари	9
Маҳалла бюджетининг ҳуқуқий асослари	17
V. МОНИТОРИНГ ҚИЛИШНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ	23
VI. ЖАМОАТЧИЛИК МОНИТОРИНГ ГУРУҲИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ	24
VII. БАҲОЛАШ МЕТОДОЛОГИЯСИ: 4 МЕЗОН ВА “СВЕТОФОР” ТИЗИМИ	27
VIII. МОНИТОРИНГ ҚИЛИШНИНГ ҚАДАМБА-ҚАДАМ АЛГОРИТМИ.....	29
IX. ЖАМОАТЧИЛИК МОНИТОРИНГИ УЧУН ФОЙЛАЛАНИЛАДИГАН САВОЛЛАР ТЎПЛАМИ.....	36
X. ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР.....	38
1-ИЛОВА. Ташаббусли бюджет лойиҳаларининг Қашқадарё вилоятида татбиқ этиш жараёни борасидаги маълумот	40

I. Кириш

Аҳоли ва жамоатчилик асосида мониторинг маҳаллий даражада давлат бошқарувини очик, ҳисобдор ва натижага йўналтиришга оид энг таъсирчан воситаларидан бири ҳисобланади. Бу ёндашувнинг моҳияти шундаки, аҳоли бюджет маблағларининг қаерга, қандай тартибда ва қандай натижа билан сарфланаётганини фақат кузатибгина қолмай, балки ушбу жараёнда далил тўпловчи, баҳоловчи ва ўзгариш талаб қилувчи сифатида фаол иштирокчига айланади. Яъни, жамоатчилик мониторинги маҳаллий бюджет маблағларининг сарфланиши устидан назоратни амалий ва натижадор механизмга айлантириши, фуқаролар иштирокини декларатив эмас, реал бошқарув воситасига айлантиришга ҳисса қўшади.

Жамоатчилик мониторингини объекти - бу ташаббусли бюджет ва маҳалла бюджети ҳисобланади, чунки аҳоли иштирокида танланган лойиҳаларни татбиқ этишда, маблағларни самарали сарфланишида очиклик сиёсати асосида мониторинг қилиш муваффақиятини кўрсатиб бериш мақсад қилинган. Ушбу методологиянинг мақсади жамоатчилик томонидан бериладиган саволларга профессионал асосда жавоб топиш имконини беришдир: ажратилган маблағ ҳақиқатан ҳам эълон қилинган мақсадга сарфландими, объектда бажарилган иш сифати қандай, аҳоли бу лойиҳани танлаш ва қабул қилиш жараёнида иштирок этдими, натижада маҳаллий муаммо ҳал этилдими ёки йўқми, шуларни текширади. Шунингдек, мазкур методология жамоатчилик мониторингини ўтказиш тартибини белгилаб беради. Методология фақат техник текширув эмас, балки у ҳуқуқий, институционал, ижтимоий ва натижавий таҳлилни бирлаштиради.

Бу ҳужжат учта асосий вазифани бажаради. Биринчиси, жамоатчилик мониторингини ўтказиш учун аниқ ва стандартлаштирилган қадамларни белгилаб беради. Иккинчиси, мониторинг жараёнини далиллар, баҳолаш мезонлари ва ҳисобот шакллари билан тўлдиради. Учинчиси, мониторинг натижаларини маҳаллий бошқарув қарорларига таъсир қилувчи институционал механизмга айлантириш учун имкон яратади. Яъни, мониторинг фақат ҳисобот ёзиш билан тугамайди, балки лойиҳанинг белгиланган режага асосан татбиқ этилаётганлигини, ҳар бир томон учун жавобгарликни белгиланганлигини ва кейинги режалаштириш жараёнига таъсир қиладиган тавсиялар беришни назарда тутди.

II. Методологиянинг мақсад ва вазифалари

Методологиянинг мақсади ташаббусли бюджет ва маҳалла бюджети мисолида маҳаллий бюджетларнинг шаффофлиги ва ҳисобдорлигини ошириш, маблағларнинг фуқаролар учун зарур ва муаммоли инфратузилмани яхшилашга қаратиш, лойиҳаларни татбиқ қилишда аҳоли иштирокини таъминлаш ва жамият ҳамда маҳаллий ҳокимият ўртасида конструктив мулоқотни мустаҳкамлашга оид услубни белгилаб беришдир.

Бошқача айтганда, маҳаллий бюджет маблағларининг режалаштирилиши, тақсимланиши, ижро қилиниши ва натижаларини аҳоли иштирокида тизимли мониторинг қилиш орқали маҳаллий бошқарув сифатини яхшилашдир.

Методологиянинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- биринчидан, жамоатчилик мониторинги учун ҳуқуқий, институционал ва амалий асосни белгилаб олиш;

- иккинчидан, аҳоли томонидан танлаб олинган устувор лойиҳаларни муваффақиятли татбиқ қилиш устидан мониторинг қилиш тартибини ишлаб чиқиш;
- учинчидан, дастлабки тадқиқот, жойига чиқиб аҳоли билан интервью ўтказиш, мониторинг қилиш ва баҳолаш жараёнини ягона стандартга солиш;
- тўртинчидан, 4 та мезонли баҳолаш матрицаси орқали лойиҳа ҳолатини “яшил–сарик–қизил” тизимида баҳолаш;
- бешинчидан, мониторинг натижаларини қисқа эмас, далилга асосланган таҳлилий ҳисоботга айлантириш;
- олтинчидан, ушбу ҳисоботларни маҳаллий Кенгаш, ҳокимлик, маҳалла ва жамоатчилик муҳокамасига олиб чиқиш;
- еттинчидан, мониторинг натижаларини кейинги йили бюджет ва лойиҳаларни режалаштириш жараёнида инобатга олиш ва бошқалар.

III. Концептуал асос: Аҳоли ва бошқалар иштирокидаги жамоатчилик мониторинги нега керак?

Аҳоли ва бошқа манфаатдор томонлар иштирокидаги жамоатчилик мониторинги – бу маҳаллий бюджетлар, жамоат хизматлари ва ҳудудий ривожланиш лойиҳаларини баҳолашнинг энг ишончли, шаффоф ва натижага йўналтирилган усулларида бири ҳисобланади. Жамоатчилик мониторингини энг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, унинг натижаси аҳоли ҳаётига бевосита таъсир қилади. Ички йўллари таъмирлаш, маҳалла кўчаларини ёритиш, сув тармоғини тортиш, болалар майдончасини қуриш, маиший чиқиндиларни йиғиш ва ҳқз каби масалалар айнан маҳаллий бюджет ва аҳоли иштироки орқали ҳал қилинади. Шунинг учун марказий даражадаги аудит ёки расмий ҳисоботлар қанчалик муҳим бўлмасин, улар ҳар доим ҳам маҳаллий аҳоли ҳис этаётган реал муаммо ва реал натижани тўлиқ акс эттира олмайди. Жамоатчилик ва аҳоли иштирокидаги мониторинг айнан шу бўшлиқни тўлдиради.

- 1) Жамоатчилик мониторингнинг биринчи муҳим жиҳати – **реал ҳолатни расмий ҳисоботга қараганда аниқроқ очиб беради**. Давлат идоралари одатда расмий ҳисоботлар, режалар ва молиявий маълумотларга таянади. Лекин аҳоли эса лойиҳанинг кундалик ҳаётдаги ҳақиқий натижасини ҳис қилади: йўлдан фойдаланиш қулай бўлди, мактаб таъмиридан кейин шароит яхшиландими, кўчалар ёритиш тизими яхши ишляптими, сув таъминоти барқарорлашди, деган саволларга жавоб беради. Шунинг учун фақат расмий маълумотга асосланган мониторинг кўпинча “бажарилди” деган хулосага келиши мумкин, аҳоли иштирок этган мониторинг эса “натижа бердимми?” деган асосий саволни ўртага қўяди. Бу ёндашув “сифат ва якуний натижа” мезони орқали баҳоланганда ҳам саволга жавоб топса бўлади.
- 2) Иккинчи жиҳат – жамоатчилик мониторинги **шаффофлик ва ҳисобдорликни кучайтиришга** хизмат қилади. Агар мониторинг фақат идора ичида ўтказилса, йиғилган маълумотлар доираси чекланган бўлиб, хулоса хато бўлиб қолиши мумкин. Аҳоли, ННТ, журналистлар, маҳалла вакиллари ва депутатлар иштирок этган мониторинг эса жараёни янада очиқлаштиради. Бу орқали маблағларнинг қаерга сарфлангани, қай тарзда қарор қабул қилингани ва ким жавобгар эканини аниқ кўрсатишга ёрдам беради. Натижада, бюджет жараёни фуқаролар учун тушунарлироқ бўлади, давлат органлари эса ўз қарорларини изоҳлаш ва асослашга кўпроқ интилади ва бу билан бюджет жараёнининг шаффофлиги ва давлат органларининг ҳисобдорлиги даражасини ошириш таъминланади.

- 3) Учинчи жиҳат – мазкур фаолият давлат ва жамоатчилик ўртасидаги **ўзаро ишончни мустаҳкамлашга** ҳисса қўшади. Кўп ҳолатларда аҳоли ва давлат органлари ўртасида нотўғри ёки нотўлиқ ахборот алмашинуви натижасида ўзаро ишончга путур етиши мумкин. Аҳоли “қарорлар биздан яширин тарзда қабул қилинади” деб ўйлаши мумкин, давлат органлари эса “жамоатчилик вазиятни тўлиқ тушунмайди” деб ҳисоблаши мумкин. Жамоатчилик мониторинги шу икки томон фикрини битта майдонга олиб чиқади. Фуқаролар далиллар орқали фикр билдиришни ўрганса, давлат органлари эса жамоатчилик фикрини эшитишга мажбур бўлади. Бу жараён қарама-қаршилиқни эмас, балки конструктив мулоқот натижасида ҳамкорликни кучайтиради ва ўзаро ишончни мустаҳкамлашга ҳисса қўшади.
- 4) Тўртинчи жиҳат – **манфаатдор томонларнинг ҳар хил билим ва тажрибаларини бирлаштириш** орқали тўғри хулосага келишда муҳим роль ўйнайди. Масалан, аҳоли муаммони энг яхши ҳис қилади, техник мутахассис объект сифатига баҳо беради, иқтисодчи қилин(ади)ган харажатларнинг самарадорлигини аниқроқ кўради, ҳуқуқшунос эса қарор ва жараёнларнинг қонунийлигини текширади. Маҳалла раҳбарлари ҳудуд даражасидаги барча муаммоларни яхши тушунади, журналистлар эса ютуқ ва камчиликларни оммавий ахборот воситаси орқали аниқ маълумотни тарқатиш имкониятига эга бўлади. Шунинг учун жамоатчилик мониторинги яқка иштирокчига нисбатан анча кучли бўлади: у бир вақтнинг ўзида ҳам ижтимоий, ҳам техник, ҳам институционал таҳлилни ўз ичига олган комплекс кузатувни таъминлайди. Шу сабабли, жамоатчилик мониторинги гуруҳи таркибига ННТ вакиллари, маҳалла фаоллари, журналистлар ва бошқа мутахассисларни киритиш тавсия этилган.
- 5) Бешинчи жиҳат – **муаммоларни эрта аниқлаш ва олдини олиш** учун муҳим восита ҳисобланади. Жамоатчилик мониторинги фақат иш якунида ўтказиладиган баҳолаш эмас. Агар у лойиҳа жараёнида ҳам амалга оширилса, кечикишлар, сифат муаммолари, асоссиз харажатлар, аҳоли хабардор эмаслиги ёки аҳолининг заиф қатлами эҳтиёжини инобатга олинмаслиги каби ҳолатлар барвақт олди олинади. Бу эса катта муаммо келиб чиқмасидан туриб жойида тузатиш киритиш имконини беради. Шу маънода жамоатчилик мониторинги назорат эмас, балки муаммо каттариб кетмаслигига қарши қаратилган чора-тадбирлар мажмуи вазифасини ҳам бажаради.
- 6) Олтинчи жиҳат – **инклюзивликни таъминлаш**. Фақат расмий идоралар қарашига таянган ҳолда қилинган хулоса баъзан аҳолининг барча қатламлари манфаатини етарли даражада акс эттирмаслиги мумкин. Яъни, бундай ҳолатларда аёллар, ёшлар, кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ёки четроқ ҳудудларда яшовчи аҳоли эҳтиёжи қарор қабул қилинишида четда қолиб кетиши хавфи бор. Жамоатчилик мониторинги эса айнан шу гуруҳларнинг овозини эшитиш механизмини яратади. Бу мониторингни фақат техник эмас, балки ижтимоий адолат воситасига ҳам айлантиради. Шу сабабли, фуқаролар иштироки ва инклюзивлик алоҳида баҳолаш мезони сифатида танлангани ҳам бежизга эмас, ушбу мезон орқали инклюзивлик даражаси баҳоланади.
- 7) Еттинчи жиҳат – **натижага йўналтирилганлик**. Жамоатчилик мониторингининг энг катта афзаллиги шундаки, у “фалонча миқдорда маблағ сарфланди” ёки “объект қурилди” деган расмий ёндашув билан чекланиб қолмайди, балки “аҳоли ҳаётида қандай ўзгариш бўлди?” деган асосий саволни ўртага қўяди. Масалан, йўл таъмирланди, лекин ёмғирда яна сув тўпланса, демак натижа тўлиқ эмас. Мактаб таъмирланди, лекин ногиронлиги бўлган болалар учун кириш йўли яратилмаса, инклюзив натижа таъминланмаган бўлади. Демак, жамоатчилик мониторинги фақат ресурс сарфини эмас, балки аҳоли учун ҳақиқий ижтимоий фойдани ҳам текширади.

- 8) Саккизинчи жиҳат – **келгусида режалаштириш ва қарор қабул қилиш сифатини оширишга** қаратилган. Мониторинг натижалари фақат муаммони қайд этибгина қолмасдан, балки кейинги йилдаги ташаббусли бюджетлаштириш ва режалаштириш жараёнига киритилса, маҳаллий бошқарув анча кучаяди. Қайси йўналишда маблағ самарали ишлатилди, қаерда муаммо бўлди, қайси механизм аҳоли ишончини оширди – буларнинг барчаси кейинги йилги қарорлар учун асос бўлади. Ҳар ойда ёки чоракда туман халқ депутатлари Кенгашига мониторинг натижаларига оид ҳисобот киритилса ва бунинг асосида тегишли қарорлар қабул қилинса ҳамда кейинги йил бюджетини тузаётганда буларнинг барчаси инобатга олинса, режалаштириш мукамал тарзда амалга оширилган ва қарорлар сифатли даражада қабул қилинган бўлади.
- 9) Тўққизинчи жиҳат – жамоатчилик мониторинги **коррупция ва самарасизлик хавфини камайтиришга** ёрдам беради. Кўпчилик иштирок этган, очиқ ва далилларга асосланган мониторинг муҳитида маблағларни яшириш, иш ҳажмини бўрттириб кўрсатиш, бажарилган хизматлар сифатини пасайтириш ёки сифатсиз ишни расмий тарзда қабул қилиш анча қийинлашади. Чунки турли манбалардан олинган маълумотлар текширилади: ҳужжат, аҳоли фикри, лойиҳа жойидаги ҳолат, техник кузатув хулосалари, фото-видео далиллар ва ҳ.к. Бу эса шаффофликнинг таъминлашга қаратилган самарали фаолият ва натижага эришишга замин яратади.
- 10) Ўнинчи жиҳат – **фуқаролик масъулиятини ривожлантиришга** хизмат қилади. Жамоатчилик мониторинги назорат қилиш воситасини фақат давлат томонидан бажарилишини эмас, балки у аҳолининг ўзида ҳам “менинг овозим, менинг солиқларим, менинг маҳаллам” деган фикрни шакллантиришга ундайди. Бу эса фуқаролик маданияти, жамоавий ҳаракат ва маҳаллий ривожланишга дахлдорлик ҳиссини кучайтиради. Шунинг учун жамоатчилик мониторингини фақат техник восита сифатида эмас, балки демократик бошқарув маданиятини шакллантирувчи механизм деб қараш тўғрироқ бўлади.

Шу сабабли, жамоатчилик мониторингини навбатдаги назоратнинг бир шакли сифатида эмас, балки маҳаллий ривожланишни янада мукамал, очиқроқ ва инсоният фаровонлигига йўналтирилган янги механизм сифатида тушуниш керак.

IV. Норматив-ҳуқуқий ва институционал асослар

Ўзбекистон қонунчилиги

Ўзбекистонда фуқаролар эркинлиги, улар мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида бевосита иштирок этиши, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи эканлиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қуйидаги моддалари билан белгилаб қўйилган:

- 1) 2-модда: Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар.
- 2) 7-модда: Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир.
- 3) 40-модда: Ҳар ким бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда давлат органларига ҳамда ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, мансабдор шахсларга ёки халқ вакилларига аризалар, таклифлар ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқиши шарт.
- 4) 122-модда: Халқ депутатлари Кенгашлари тегишли маҳаллий бюджетларни кўриб чиқиш ва қабул қилиш, уларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади ва

худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурларини тасдиқлайди.

- 5) 148-модда: Фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг шакллантирилиши ҳамда ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 12 апрелдаги ЎРҚ-474 сонли Жамоатчилик назорати тўғрисида ги Қонунига кўра:

- 1) 3-модда: Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатга олинган нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари жамоатчилик назорати субъектлари бўлиб ҳисобланади.
- 2) 4-модда: Ижтимоий шериклик доирасида амалга ошириладиган битимлар, шартномалар, лойиҳалар ва дастурларни бажаришга доир фаолияти жамоатчилик назоратининг объектидир.
- 3) 6-модда: Жамоатчилик назорати шаклларида бири – бу жамоатчилик мониторинги ҳисобланади.
- 4) 11-модда. Жамоатчилик мониторингини нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоатчилик назоратининг бошқа субъектлари қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда оммавий, очиқ ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўтказиши мумкин.

Ташаббусли бюджетнинг ҳуқуқий асослари

Ташаббусли бюджет жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган бюджет турига киради ва ташаббусли бюджет учун ажратилган маблағлар фуқаролик ташаббуси жамғармаси орқали молиялаштирилади. Ташаббусли бюджет ва маҳалла бюджети маблағлари маҳаллий ривожланишга қаратилган давлат томонидан белгиланган мақсадлар асосида ажратиладиган маблағлар бўлиб, улар тўлиқ маҳаллий бюджет томонидан молиялаштирилади. Ташаббусли бюджет қуйидаги Қонун ва қонуности ҳужжатлар билан тартибга солинади:

- 1) Ўзбекистон Республикасида Ташаббусли бюджетни амалга ошириш жараёни Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПКҚ-5072-сонли 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан амалда қўллаш бошланган. Шундан сўнг, бир қанча Қарорлар ва қонуности ҳужжатлар қабул қилинди ва ҳозиргача янгиланиб келмоқда.
- 2) Ташаббусли бюджет учун ажратиладиган **молиялаштириш миқдори** Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси билан тартибга солинади: туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари томонидан туманлар ва шаҳарлар бюджетлари тасдиқланган харажатларнинг **5 фоизига** тенг миқдордаги маблағларни жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган (ташаббусли бюджет) тадбирларни молиялаштиришга йўналтиради¹. Бундан ташқари, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари туманлар ва

¹ Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодекси, 94-модда

шаҳарлар бюджетлари қўшимча манбаларининг камида **30 фоизини** жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштиришга йўналтиради².

- 3) **Ташаббусли бюджет жараёнларини амалга ошириш тартиби** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашинининг 30.01.2024 й.даги 666-сонли Қарори ва унга бириктирилган Ташаббусли бюджет жараёнларини ўтказиш ҳамда молиялаштириш тартиби тўғрисидаги Низомидир³ Мазкур Низомга кўра, лойиҳаларни баҳолаш, саралаб олиш ҳамда ижросини мониторинг қилиш бўйича туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузурида ташкил этилган Ишчи Комиссия томонидан амалга оширилади ва лойиҳалар қуйидаги тартибда саралаб олиниб, татбиқ этилади:

1-жадвал: Ташаббусли бюджет жараёнларини амалга ошириш босқичлари:

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Туман (шаҳар) ҳокимликлари	1. Фуқаролар ташаббуси жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) махсус ғазна ҳисобварағига йўналтириладиган маблағлар миқдорини белгилаш бўйича таклифни тасдиқлаш учун тегишли халқ депутатлари туман (шаҳар)лар Кенгашига киритади.	Ҳар чорак (йил) якунлари бўйича кейинги ойнинг 25-санасига қада
	Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши	2. Жамғармага йўналтириладиган маблағлар миқдорини кўриб чиқади ҳамда тасдиқлаш бўйича қарор қабул қилади.	Таклифлар олинган санадан эътиборан 3 иш куни ичида
2-босқич	Ишчи комиссия	Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирлар учун назарда тутилган маблағлар миқдори ва жараёни ўтказиш тартибини «Очиқ бюджет» ахборот портали ва оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчиликка етказилади.	Мавсумлар бошланишидан камида 20 кун аввал
3-босқич	Таклиф бериш истагини билдирувчилар	Маҳалла ёки туман (шаҳар)даги мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифларни «Очиқ бюджет» ахборот порталига жойлаштирилади.	Лойиҳа киритиш жараёни бошланган санадан

² Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодекси, 126-модда

³ Манба: <https://lex.uz/docs/6790170>

			бошлаб 20 кун давомида
4-босқич	Ишчи комиссия	Мезонларга мувофиқлиги ҳамда тадбирлар амалга оширилиши имкониятларини ўрганган ҳолда таклифларни танлаб олади ва «Очиқ бюджет» ахборот порталига жойлаштиради.	Таклиф бериш тадбирлари яқунланган санадан эътиборан 20 кун давомида
4 ¹ -босқич	Ташаббускорлар	Овоз бериш босқичига ўтказилган лойиҳаларни тарғибот қилиш босқичи ўтказилади.	Саралаш босқичи яқунланган санадан бошлаб 7 кун давомида
5-босқич	Ишчи комиссия	Жамоатчилик томонидан овоз бериш жараёни ўтказилади.	Тарғибот босқичи яқунланган санадан бошлаб 10 кун давомида
5 ¹ -босқич	Халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгаши; Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси депутатлари	Жамоатчилик томонидан овоз бериш жараёни ўтказилади.	Тарғибот босқичи яқунланган санадан бошлаб 10 кун давомида
6-босқич	Ишчи комиссия	1. Овоз бериш жараёни яқунларига кўра ҳар бир ҳудудда энг кўп овоз тўплаган таклифлар ғолиб деб топилади ва таклифларга берилган овозлар сонидан келиб чиқиб юқоридан пастга қараб саралаб олинади.	Овоз бериш жараёни яқунларига кўра
	Ишчи комиссия	2. Овоз бериш жараёни яқунларига кўра Жамғарма маблағлардан молиялаштириладиган тадбирлар бўйича таклифларни тегишли халқ	Овоз бериш жараёни яқунланган санадан эътиборан 1

		депутатлари туман (шаҳар) Кенгашига кўриб чиқиш учун киритади.	ҳафта муддатда
7-босқич	Ишчи комиссия	Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши томонидан маъқулланган таклифларни «Очиқ бюджет» ахборот порталида ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.	Қарор қабул қилинган кундан бошлаб 1 кун муддатда
8-босқич	Ишчи комиссия	Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилган маблағлар юзасидан халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига ҳисобот киритади.	Ҳар чорак якунлари бўйича кейинги ойнинг 10-санасига қадар
9-босқич	Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши	Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилган маблағларнинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлайди.	Ҳар чорак якунлари бўйича кейинги ойнинг 25-санасига қадар
10-босқич	Ишчи комиссия	Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилган маблағларнинг сарфланиши юзасидан тасдиқланган ҳисоботни «Очиқ бюджет» ахборот порталига жойлаштиради.	Ҳар чорак якунлари бўйича кейинги ойнинг 25-санасига қадар

2-жадвал: Жамоатчилик фикри асосида тадбирларни баҳолаш, танлаб олиш ҳамда ижросини мониторинг қилиш бўйича ишчи комиссиянинг Намунавий таркиби (ҳар бир туман/шаҳарда ташкил этилади):

Т/р	Ф.И.О.	Иш жойи ва лавозими ⁴
1.	Лавозимига кўра	Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши раиси, <i>ишчи комиссия раҳбари</i>

⁴ Изоҳ: 1) заруратга кўра туман (шаҳар) ҳокимликлари таклифига асосан ишчи комиссия таркибига бошқа мутахассислар ҳам жалб этилиши мумкин; 2) Комиссия аъзолари сони (камида 9 киши) тоқ бўлган таркибда тузилади.


2.	Лавозимиға кўра (келишув асосида)	Туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгашининг вакили (камида 2 нафар)
3.	Лавозимиға кўра	Туман (шаҳар) ҳокимининг қурилиш масалалари бўйича ўринбосари
4.	Лавозимиға кўра	Туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими бошлиғи
5.	Лавозимиға кўра	Туман (шаҳар) иқтисодиёт ва молия бўлими бошлиғининг молиявий масалалар бўйича ўринбосари
6.	Лавозимиға кўра	Туман (шаҳар) иқтисодиёт ва молия бўлимларига «Очиқ бюджет» масалалари бўйича бириктирилган масъул ходим (Ишчи орган)
7.	Лавозимиға кўра	Туман (шаҳар) адлия бўлими вакили
8.	Лавозимиға кўра (келишув асосида)	Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги / вилоятлар / Тошкент шаҳри иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси вакили
9.	Лавозимиға кўра (келишув асосида)	Туман (шаҳар) ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши вакили
10.	Лавозимиға кўра (келишув асосида)	Нодавлат нотижорат ташкилотларининг вакиллари

- 4) **Олий Мажлис депутатларининг лойиҳалар танловида иштирок этиши, аҳолининг лойиҳаларни 50 фоизини молиялаштиришда иштирок этиши:** 2026 йилдан бошлаб танловда қатнашган лекин ғолиб бўлмаган лойиҳалар орасидан ҳар мавсумда 1 та лойиҳани (яъни 1 йилда жами 2 та лойиҳани) танлаб давлат томонидан молиялаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президентининг PQ-264 сонли 29.08.2025 й. даги Қарори⁵ орқали белгилаб берилди. Бундан ташқари, ташаббускор аҳоли томонидан лойиҳанинг 50 фоиз қисми ихтиёрий равишда молиялаштирилган тақдирда, қолган 50 фоизи Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан молиялаштириб берилади. Аҳоли томонидан танланган лойиҳа қийматининг ярмини қоплаб беришига келишилган лойиҳалар навбатсиз, яъни танловга қатнашмасдан ғолиб деб эълон қилинади ва аҳоли томонидан қопланадиган суммаси алоҳида ҳисобрақамга туширилганидан сўнг, иш бошланади.
- 5) **“Энг яхши солиқ тўловчи” номинацияси ғолибларига ташаббусли бюджет лойиҳасида навбатсиз қатнашиш имконияти:** 2026 йил 1 январдан бошлаб “Энг яхши

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.08.2025 й.даги Қарори. Манба:
<https://lex.uz/uz/docs/7708032>

солиқ тўловчи маҳалла” номинацияси ғолибларига навбатдаги икки мавсум доирасида лойиҳа киритиш имкониятини чеклаш қондаси қўлланилмайди. Маълумки, мазкур чеклов, яъни икки марта навбатсиз қатнашиш фақат юқоридаги номинация ғолиблари эмас, балки туманда 15 тадан кам бўлган маҳаллаларда ҳамда аҳоли ва давлат ўртасида шериклик асосида молиялаштириладиган лойиҳаларга ҳам амал қилади. Шунингдек, лойиҳаларни шериклик асосида молиялаштиришда ушбу маҳаллалар аҳолиси томонидан лойиҳа қийматининг 25 фоизи молиялаштирилган тақдирда, лойиҳа ғолиб деб топилади ҳамда қолган 75 фоизи Давлат бюджетидан молиялаштирилади⁶.

Очиқ бюджет (OpenBudget) ахборот портали билан ишлаш: Фуқаро ўзи яшаб турган маҳалласидаги инфратузилмага оид таклифларини Ўзбекистон Республикасининг Очиқ Бюджет (<https://openbudget.uz>) ахборот портали орқали жойлаштириши мумкин. Бунда у <https://openbudget.uz> порталининг ўнг томон тепада турган Кириш ҳаволаси орқали порталда рўйхатдан ўтиб, кириб шу порталда таклифини қолдиради. Шунингдек, шу порталнинг ўнг томон тепада турган Ташаббусли Бюджет ҳаволасини босиб, у ердаги барча ташаббусларни кўриши мумкин.



Юқоридаги жадваллардан кўриниб турибдики, ташаббусли бюджет лойиҳаларини татбиқ қилишдаги юқорида (1-жадвалда) кўрсатилган 10 та босқичдан 7 тасида Ишчи комиссия аъзолари иштирок этади. 2-жадвалда кўрсатилган Ишчи комиссия аъзолари асосан давлат ташкилоти ходимлари ва бу комиссиянинг зиммасига деярли барча ишлар билан бирга, шу жумладан, лойиҳа боришини мониторинг қилиш ҳам, юклатилган.

Лойиҳалар бажарилишини доимий назорат қилиб бориш ва мониторингини кучайтириш мақсадида, openbudget.uz ахборот порталида Сайёр-мониторинг бўлими ишга туширилган. Бунда, тумандаги ишчи комиссия аъзоси (яъни, туман (шаҳар) иқтисодиёт ва молия бўлимидаги Маҳаллалар ва очиқ бюджет масалалари бўйича бош мутахассиси

⁶ Манба: ПҚ-364 29.11.2025 <https://lex.uz/docs/7866319> - Солиқ йиғилувчанлик даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

(Ишчи орган)) ҳар 1-2 ойда лойиҳалар жорий ҳолатини назорат қилиб бориш ҳамда пудратчилар учун тўлов қилишдан аввал бевосита жойига чиқиб ўрганиш ва Сайёр-мониторинг бўлимига объектнинг жорий ҳолати ҳақида расм ва изоҳларни порталда қайд этиб боради. Лекин бериб бориладиган бу маълумотлар тўлиқ эмас, айрим ҳолларда расмлар қисқа вақт сақланади, объект расман Буюртмачи корхона томонидан қабул қилиниб, ташаббускор ташкилотга фойдаланишга топшириши биланок openbudget.uz ахборот порталидаги барча мониторинг маълумотлари ўчирилади ва лойиҳа қандай якунланганини келажакда кузатиш / баҳолаш имконсиз бўлиб қолади. Бундан ташқари, лойиҳага тегишли маълумотлар, хусусан Лойиҳани амалга ошириш хронологияси ва бошқа маълумотлари айрим туманлар учун киритилмаган.


“Ташаббусли бюджет” орқали қуйидаги соҳалар молиялаштирилади:

- Ички йўлларни (пиёдалар йўлакчаси, йўл ўтказгичлар) таъмирлаш
- Умумтаълим мактабларини таъмирлаш ва моддий-техника базасини ривожлантириш
- Бошқа таълим муассасаларини таъмирлаш ва моддий-техника базасини ривожлантириш
- Соғлиқни сақлаш муассасаларини таъмирлаш ва моддий-техника базасини ривожлантириш
- Электр энергияси таъминоти
- Ичимлик суви ва оқава тизимини яхшилаш
- Маҳалла гузари (маҳаллада умумфойдаланишда бўлган бошқа объектлар)ни таъмирлаш-тиклаш
- Қонун ҳужжатлари билан белгиланган мезонларга мувофиқ бошқа объектлар
- Спорт муассасаларини таъмирлаш ва моддий-техника базасини ривожлантириш
- Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш (туман ёки шаҳар қиёфасини ўзгартириш)
- Қабристонларни тартибга келтириш
- Болалар майдончаларини (ўйингоҳларини) барпо этиш ёки таъмирлаш
- Дренаж ва ариқ (зовур) ларни тартибга келтириш
- Кўча чироқларини ўрнатиш ёки таъмирлаш
- Мактабгача таълим муассасаларини таъмирлаш ва моддий-техника базасини ривожлантириш
- Олий ўқув юртларини таъмирлаш ва моддий-техника базасини ривожлантириш
- Мусиқа ва мактабдан ташқари ташкилотларни таъмирлаш ва моддий-техника базасини ривожлантириш

Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг расмий маълумотларига кўра, “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси доирасида 2025 йилда жами 4772 та лойиҳа ғолиб деб топилган ва уларни молиялаштириш учун жами 6477,9 миллиард сўм маблағ ажратилган. Маблағларнинг энг катта қисми, яъни 49 фоизи ички йўлларни, жумладан пиёдалар йўлакчалари ва йўл ўтказгичларни, 23 фоизи умумтаълим мактаблари, 10 фоиз улуши соғлиқни сақлаш муассасаларини таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларига йўналтирилган. Қолган 18 фоиз маблағ эса бошқа йўналишдаги лойиҳаларни амалга ошириш учун сарфланган.⁷

⁷ Манба: <https://www.xabar.uz/tahlil/tashabbusli-byudjet-kimga-koproq-kimga-kamroq>


Жами лойиҳаларнинг соҳалар кесимидаги улуши (2025)




■ Ички йўллари таъмирлаш ■ Таълим ■ Тиббиёт ■ Бошқа соҳалар

Бу лойиҳаларни танлаш учун жами 21,6 млн киши овоз беришди ва бу ўтган йилдагига нисбатан 4 фоизга кўпдир (маълумот учун, 2024 йилда 20,8 млн фуқаро ташаббусли бюджет лойиҳалари учун овоз берган эди). Бунда лойиҳаларнинг 70 фоизидан ортиғи 2000 дан кўпроқ овоз тўплади. Эътиборлиси шундаки, лойиҳалар сони 2021 йилга нисбатан 2 бараварга (яъни 2021 йилда 1599 та лойиҳадан 2025 йилда 4772 тага) ошган бўлса ҳамда 2022-2025 йиллар оралиғида лойиҳалар сони сезиларли даражада ўзгармаган бўлса-да, шу даврда давлат бюджетидан ажратилган маблағлар миқдори 2021 йилга нисбатан 11 бараварга ёки 2024 йилга нисбатан 4,4 фоизга ошди. Буларнинг ҳаммаси ташаббусли бюджет лойиҳаларининг аҳоли орасида тез оммалашиб бораётганлигидан дарак беради.

Ўзбекистон Республикасида ташаббусли бюджет танловида қолиб бўлган лойиҳалар сони





Бундан ташқари, 2026 йилда биринчи марта амалиётга шериклик асосида молиялаштириладиган лойиҳалар амалиётга татбиқ этилди. Шу йилнинг ўзида 6.6 млрд сўмлик 16 та лойиҳа шериклик асосида ғолиб деб топилди⁸. Бунда аҳоли томонидан жами 3.3 млрд маблағ тўпланди ва лойиҳани татбиқ қилиш учун махсус ҳисобрақамга ўтказилди. Ҳукумат томонидан шериклик асосида мазкур лойиҳаларга тўланган маблағ ҳам 3.3 млрд сўмни ташкил қилди (50 фоиз). Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, аҳоли томонидан шерикчилик асосидаги лойиҳалар учун йиғилган маблағнинг ярмидан кўпи (яъни 54 фоизи) Қашқадарё вилояти аҳолиси ҳиссасига тўғри келади. Қашқадарё аҳолиси жами 7 лойиҳанинг 6 тасини ички йўللарни асфальтлаш учун режалаштирган бўлса, 1 та лойиҳа электр энергияси таъминотини яхшилаш билан боғлиқ чора-тадбирлар учун мўлжалланди. Бундан кўринадики, Қашқадарё вилоятида ички йўллари асфальтлашга бўлган эҳтиёж ҳали ҳам юқори.

Маҳалла бюджетининг ҳуқуқий асослари

“Маҳалла бюджети” тизими Ўзбекистонда 2023 йилдан пилот тарзда, 2024 йилдан эса бутун Республика бўйлаб татбиқ этилди ва ҳозирга қадар муваффақиятли амалга ошириб келинмоқда. Бунда ҳар бир маҳаллада жисмоний шахслар томонидан тўланган мол-мулк ва ер солиғининг 10 дан 1 қисми маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш учун йўналтирилиши ва маҳалла бюджети туманларда ҳар бир маҳалла учун алоҳида ташкил этиладиган “Маҳаллаларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғарма”лар орқали йўналтирилиши белгиланди. Бунинг натижасида 2024 йилда жами 372,9 млрд сўм, 2025 йил учун эса 528,2 млрд сўм маблағ шаклланди 2026 йилда эса 13.1 млрд сўм шаклланди. Ҳозирги вақтда жамғармада 237,8 млрд сўм қолдиқ мавжуд ва бу қолдиқ ой сайин ошиб бормоқда.

- 1) **Маҳалла бюджети тизимини пилот тарзда жорий этиш:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг PQ-458 сонли 26.12.2022 й.даги Қарорига кўра⁹ Ўзбекистонда 2024 йил 1 январдан илк бор Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, унинг Қорақалпоғистон

⁸ Манба: <https://t.me/minecofinuz/14523>

⁹ Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26.12.2022 йилдаги PQ-458-сон Қарори, <https://lex.uz/docs/6326672>.

Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимлари ҳамда маҳаллаларни моддий ривожлантириш, маблағларнинг мақсадли ва манзилли йўналтирилишини таъминлаш мақсадида Маҳалла бюджети тизими жорий этилди. Бунга кўра, маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси ташкил этилди ва ҳар бир маҳалла ҳудудида яшовчи фуқаролар томонидан тўланган мол-мулк ва ер солиғининг 10 фоизи мазкур жамғармага йўналтирилди. Маълумки, жамғармалар юридик шахс ҳисобланмайди ва ҳар бир маҳалла органи ҳузурида ташкил этилади. Жамғарма маблағларини маҳалла қошида тузилган маҳалла Кенгаши аъзолари томонидан берилган таклифлар асосида “маҳалла еттилиги” томонидан ижроси амалга оширилади. Тизим босқичида йўналтирилган маблағлар сарфи борасидаги маълумотлар “Очиқ бюджет” (openbudget.uz) ахборот порталига жойлаштириб борилади. Бу фаолият ҳар битта вилоятнинг ва Қорақалпоғистон Республикасининг биттадан туманида пилот тарзда амалда синаб кўрилди.

2) **Маҳалла бюджети тизимини бутун мамлакат бўйлаб жорий этиш:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-йил 21-декабрдаги “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда бирламчи бўғин сифатида фаолият юритишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги РП-209-сонли Фармонида мувофиқ “Маҳалла бюджети” 2024-йил 1-январдан бошлаб барча туман ва шаҳарларда ташкил этилди. Бундан ташқари, мазкур Фармон билан Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасини, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ҳамда туман ва шаҳар бўлимлари ташкил этилди ҳамда республика, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгашлари шакллантирилди. Шунингдек, маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, аёллар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори таркибида бўлган “маҳалла еттилиги” ташкил этилди. Маҳалла бюджетини асосини ташкил қиладиган жамғарма маблағлари қуйидаги соҳаларга сарфланиши белгилаб берилди:

- Маҳалла ҳудудида жойлашган объектларни таъмирлаш ва жиҳозлаш
- Кам таъминланган оилаларга моддий кўмаклашиш
- Табiiй газ тармоқлари
- Маҳалла фуқаролар йиғини биносини жиҳозлаш
- Маҳалла фуқаролар йиғини биносини таъмирлаш
- Маҳалла ҳудудида инфратузилмани ривожлантириш
- Ёритиш тизими, электр энергияси таъминотини яхшилаш
- Ободонлаштириш билан боғлиқ тадбирлар
- Маҳалла ҳудудидаги ички йўллар, пиёдалар йўлакчаларини таъмирлаш
- Ичимлик ва оқова сув тизимини таъмирлаш ва бошқа тадбирлар

Маҳалла бюджетини шакллантириш ва ундан фойдаланиш жараёни¹⁰ қуйидагича:

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар
1-Босқич	Фуқаролар	Молк-мулк ва ер солиғини ўрнатилган тартибда маҳаллий бюджетга тўлайди
2-Босқич	Туман/шаҳар солиқ инспекцияси	Ҳар ой якуни бўйича маҳаллага келиб тушган солиқ тушумлари юзасидан маълумотни маҳалла уюшмаси туман бўлимига тақдим қилиб боради

¹⁰ Манба: <https://openbudget.uz/portal/news/mahalla-budjeti-barcha-mahallalarda-tashkil-etildi>

3-Босқич	Маҳалла уюшмасининг туман/шаҳар бўлими	Қабул қилинган рўйхат асосида ҳар бир маҳалла бўйича очилган ҳисобрақвмларда маблағларни ўтказиш бўйича ғазначилик бўлимларига тўлов топшириқнома юборadi
4-Босқич	Туман ғазначилик бўлинмаси	Тўлов топшириқномалар асосида тегишли маблағларни маҳаллалар ҳисобрақамига ўтказadi
5-Босқич	Маҳалла фаоллари	Маҳалланинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, молиялаштириш бўйича тадбирлар (объектни таъмирлаш/қуриш, товарлар, хизматлар сотиб олиш ва ҳкз) таклиф этади. Бу ҳар йилнинг бошида бир марта (агар зарур бўлса, маҳалладанинг асосий кўчаларида) маҳалла фаоллари аҳолини йиғиб жорий йилда бажарилган ишлар, маҳалла эҳтиёжи учун сотиб олинган товарлар ва хизматлар, учрашувлар, маҳаллага ёрдам ва бошқалар бўйича сарҳисоб қилинади. Шунингдек, келаси йилга режалаштирилаётган лойиҳалар, товар ва хизматлар эҳтиёжи ва чора-тадбирлар бўйича келишиб олинади. Устувор лойиҳаларни танлаш бўйича овозга қўйилиб, аҳолининг фикри асосида битта тўхтамга келинади, ва яқунда аҳоли эҳтиёжи рўйхати тузилиб, мажлис қарори билан бириктирилади ва маҳаллада сақланади. Мазкур Қарор ташаббусли бюджет лойиҳаларини танлаш учун ҳам асос бўлиши мумкин. Маҳалла Эҳтиёжлари Рўйхати маҳалла биносида ўрнатилган стендга ҳам осиб қўйилади
6-Босқич	Маҳалла етилиги	Тегисли тасдиқловчи ҳужжатларни (фуқаролар йиғини 9 та аъзодан иборат Кенгаш Қарори ва бошқа ҳужжатлар) илова қилган ҳолда тадбирларни молиялаштириш учун туман маҳалла уюшмасининг туман бўлимига сўровнома беради
7-Босқич	Маҳалла уюшмасининг туман бўлими	а) сўровноманинг ҳар бир маҳалла сметасига мувофиқлигини, тасдиқловчи ҳужжатларнинг тўғрилиги ва тўлиқлигини текширади б) давлат харидлари порталида пудратчиларни танлаш бўйича танлов эълон қилади в) пудратчилар билан шартномалар тузади г) шартнома бўйича тўловларни амалга ошириш учун Ғазначиликка тўлов топшириқномасини юборadi

8-Босқич	Туман ғазначилик бўлини маси	Маҳалла уюшмасининг туман бўлимининг талабига биноан тузилган шартнома асосида пудратчиларга тўловларни амалга оширади
9-Босқич	Пудратчи	Таъмирлаш/қурилиш ишларини олиб боради ёки товарлар/хизматлар етказиб беради. Бунда пудратчи томонидан қилинган ишлар борасида то лойиҳа бошидан охиригача давомий равишда маҳалла фаоллари мониторинг ишларини олиб боради.
10-Босқич	Маҳалла уюшмасининг туман/шаҳар бўлими	“Маҳалла бюджети” харажатлари тўғрисидаги маълумотларни ҳар ой якуни бўйича “Очиқ бюджет” ахборот порталига кейинги ойнинг 5 санасигача эълон қилиб боради
11-Босқич	Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси	Жорий йилда фойдаланилмаган маблағлари Жамғарма ихтиёрида қолади ва қолган маблағ келгуси йилда фойдаланилади

Ташаббусли бюджет лойиҳаларининг Қашқадарё вилоятида татбиқ этиш жараёни борасидаги маълумот: Маҳалла бюджети расман 2024 йилдан бошлаб жорий этила бошланди. Унга кўра Қашқадарё вилояти Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаларида 2024 йилда 31,6 млрд сўм, 2025 йилда 41 млрд сўм, 2026 йил 1 кварталда 10,8 млрд сўм тушум тушди. Ҳозирги вақтда жамғармадаги ишлатилмай турган қолдиқ маблағ 25,7 млрд сўмни ташкил қилади. Қуйида жамғармалар маълумотлари батафсил берилган:

Қашқадарё вилояти	2024	2025	2026
<i>Йиллик жамғарма тушуми</i>	31,6 млрд сўм	41 млрд сўм	10,8 млрд сўм
<i>Жамғарма ҳисобидан сарфланган</i>	10,7 млрд сўм	34,6 млрд сўм	12,3 млрд сўм
<i>Жамғармадаги қолдиқ маблағ</i>	20,9 млрд сўм	28 млрд сўм	<u>25,7 млрд сўм</u>
Шаҳрисабз шаҳри	2024	2025	2026
<i>Йиллик жамғарма тушуми</i>	1138 млн сўм	1648,2 млн сўм	296,4 млн сўм
<i>Жамғарма ҳисобидан сарфланган</i>	111,7 млн сўм	1361,1 млн сўм	604,5 млн сўм
<i>Жамғармадаги қолдиқ маблағ</i>	1026,3 млн сўм	1334,4 млн сўм	<u>1005,2 млн сўм</u>
Ғузор тумани	2024	2025	2026
<i>Йиллик жамғарма тушуми</i>	1956,7 млн сўм	1872 млн сўм	484 млн сўм
<i>Жамғарма ҳисобидан сарфланган</i>	431,3 млн сўм	1310 млн сўм	301,1 млн сўм
<i>Жамғармадаги қолдиқ маблағ</i>	1525,4 млн сўм	2123 млн сўм	<u>2,266 млн сўм</u>
Нишон тумани	2024	2025	2026

Йиллик тушуми	жамғарма	1463,7 млн сўм	1830.9 млн сўм	411,4 млн сўм
Жамғарма сарфланган	ҳисобидан	333,5 млн сўм	1617,9 млн сўм	785 млн сўм
Жамғармадаги маблағ	қолдиқ	1130,2 млн сўм	1348,2 млн сўм	<u>961 млн сўм</u>

Харажатлар таркибини кўриб чиққанимизда, ҳар бир туманда ҳар хил товарлар ва хизматлар харид қилинган. Бунинг учун, Очик бюджет (Open Budget) ахборот порталининг маҳалла бюджет қисмига ўтиб, керакли маҳалла танланади¹¹. Масалан, Қашқадарё вилояти Нишон тумани А.Қодирий маҳалласи жамғармаси ҳисобида 2024-2026 йилларда (3 йил давомида) жами 127,7 млн сўм жамғарилган.

https://openbudget.uz/my-neighborhood/budget

Translate YouTube Internet Speed Test... Speedtest Sarkor.TV Uzbekistan | Project... USAID Monitoring E... Projects in Uzbekist... Онлайн обучение |... Hydrolife

Ўзбекча Кириш

OpenBudget
O'zbekiston Respublikasi
"Ochiq Budget" Portal

Портал Бюджет тизими Бюджет ижроси Маҳалла бюджети Ташаббусли бюджет

Қашқадарё вилояти Нишон тумани "А.Қодирий".


Маҳалла бюджети Ташаббусли бюджет Бошқа тадбирлар

Даромад Жами: 127 739 849,83 сўм

Ой	Сана	Даромад	Сумма (сўм)	Амаллар
Март	30.03.2026	Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари	13 999 500	👁
Март	30.03.2026	Мол-мулк ва ер солиғи	8 662 476	👁

Шундан, маҳалла эҳтиёжи учун 3 йил давомида жами 93,2 млн сарфланган. Ва ҳозир жамғармада ишлатилмай турган маблағнинг жами 34,5 млн сўм қолдиғи бор.

¹¹ Манба: <https://openbudget.uz/my-neighborhood/budget>



А.Қодирий маҳалласи эҳтиёжлари учун 2024-2025 ярим йиллигида 50,2 млн сўм сарфлаган. Бунда маҳалла эҳтиёжлари учун 1 та планшет, 900 дона кўчатлар, 4 та кузатув камераси, маҳалла биносига 1 та 5 КВт қуёш панелини ўрнатиш учун харид қилинган¹².

https://openbudget.uz/my-neighborhood/budget

Translate YouTube Internet Speed Test... Speedtest Sarkor.TV Uzbekistan | Project... USAID Monitoring E... Projects in Uzbekist... Онлайн обучение |... Hydrolife

Харажат

Жами: 50 220 997,59 сўм

Ой	Сана	Туркум	Сумма (сўм)	Амаллар
Июл	18.07.2025	КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАРГА МОДДИЙ КЎМАКЛАШИШ	29 975 000	👁
Апрел	07.04.2025	МАҲАЛЛА ХУДУДИДА ИНФРАТУЗИЛМАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ	4 000 000,01	👁
Март	27.03.2025	МАҲАЛЛА ХУДУДИДА ИНФРАТУЗИЛМАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ	4 999 995	👁
Декабр	25.12.2024	ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА БОШҚА ТАДБИРЛАР	7 196 002,57	👁
Декабр	13.12.2024	МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ БИНОСИНИ ЖИҲОЗЛАШ	50 000	👁
Август	14.08.2024	МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ БИНОСИНИ ЖИҲОЗЛАШ	4 000 000,01	👁

10 « 1 »

¹² Манба: <https://openbudget.uz/my-neighborhood/budget>

Шу мисолида бошқа туманларда ҳам маҳаллалар эҳтиёжлари учун шундай товарлар харид қилинганини кўришимиз мумкин:

а) Шаҳрисабз шаҳридаги 38 маҳаллада планшет, моноблок, камера, принтер, кўча чироғи (прожектор) сотиб олинганини кўришимиз мумкин.

б) Ғузор туманидаги 47 маҳаллада планшет, эълонлар доскаси-стенд, ўт ўрадиган машина-газонокосилка, стол-стул, шкаф, кўчатлар, кондиционер, компрессор, электр ҳисоблагич, трансформатор, моноблок, камера, ноутбук, 180 метр пўлатдан газ-труба, эшик, краска (таъмирлаш учун), акфа-ром (Совлиғор), 150 метр пўлат бурчак (уголок - Шерали) лар харид қилинган.

в) Нишон туманидаги 37 маҳаллада эса планшет, кўчат, камера, маҳаллалар бинолари учун куёш панели, компьютер, принтер, мотокультиватор (Балхияк), электр ҳисоблагич, маҳалла биносини кадастрдан расмийлаштириш (Гулзор, Дўстлик), мебеллар харид қилинган.

Шуниси эътиборлики, ижтимоий аҳамиятга эга объектларни агар очик бюджет (open budget) орқали ютишни иложи бўлмаса, маҳалла бюджети орқали ҳам амалга оширса бўлади. Шунингдек, агар маблағлар бу йил ишлатилмай қолса, жамғармада йиғилиб тураверади ва кейинги йили каттароқ суммадаги лойиҳани амалга ошириш имконини беради. Йиғилган маблағларни самарали сарфлашда жамоатчилик мониторинг жараёни муҳим ҳисса қўшади.

V. МОНИТОРИНГ ҚИЛИШНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

Ушбу методология қуйидаги тамойилларга асосланади:

Қонунийлик тамойили мониторинг гуруҳи ўз фаолиятини амалдаги қонунчилик доирасида иш олиб боришини аңлатади.

Объективлик ва ҳолислик тамойили далилларга суянган иш услубидир. Барча хулосалар амалдаги ҳужжат, фото, видео, ўлчов, кузатув, сўровнома, интервью, гуруҳ йиғилиши ва солиштирма таҳлилларга асосланган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Шаффофлик ва ҳисобдорлик тамойили нафақат объект ҳақидаги маълумотнинг, балки мониторинг жараёни ва унинг натижалари борасидаги маълумотларнинг жамоатчилик учун очикланишини талаб қилади. Шунингдек, қарор қабул қилувчи органлар ва ижро қилувчи барча ташкилотлар фаолиятини маҳаллий бюджет (ташаббусли бюджет ва маҳалла бюджети)нинг ижроси борасида жамоатчилик олдида ҳисоб бериш масъулиятини назарда тутади.

Фуқароларнинг инклюзив иштироки деганда ҳудудда истиқомат қилаётган барча аҳолининг барча қатламларини фаол иштирокини назарда тутилади. Жумладан, муаммони аниқлаш, устуворликни белгилаш, ҳолатни баҳолаш, натижани мониторинг қилиб бориш ва тавсияни шакллантириш босқичларида ҳам аҳолини фаол иштирок этишини назарда тутади.

Конструктив мулоқот — бу мониторинг қилиш орқали хатоликларга сабаб бўлган айбдорларни топиш эмас, балки тизимли муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш борасида барча томонлар билан биргаликда, шу жумладан туман ҳокимияти, давлат органлари, туман халқ депутатлари Кенгаши ва жамоатчилик билан биргаликда

муаммоларга ечимлар излаб топиш учун институционал ҳамкорлик механизмини шакллантиришни назарда тутати.

Натижадорлик тамойили – бу тамойил инфратузилма объектининг фақат қурилганини ёки қанча пул сарфланганига эмас, қандай натижага эришилганига эътибор қаратади. Бошқача қилиб айтганда, аҳолининг қайси қатламининг ижтимоий ҳаётидаги қандай муаммоси қанчалик самарали тарзда ҳал этилганини кўрсатиб берадиган кўрсаткични ўз ичига олади.

VI. ЖАМОАТЧИЛИК МОНИТОРИНГ ГУРУҲИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Жамоатчилик мониторинг гуруҳи деб аталишига сабаб, мониторинг фаолиятида давлат бошқарув органлари (Маҳалла уюшмаси туман/шаҳар бўлими вакили, туман/шаҳар молия бўлимидаги ташаббусли ва маҳалла бюджети учун масъул ходим), вакиллик органи – Халқ депутатлари туман/шаҳар Кенгашининг маҳаллий бюджет, тадбиркорликни ривожлантириш ва иқтисодий ислохотлар масалалари бўйича доимий комиссия аъзолари ёки шу МФЙ га масъул депутат, шу билан бирга нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг (ННТ) вакиллари, журналист ва блогерлар ҳамда маҳалла вакиллари (4 та маҳалла раислари ва фаоллар) ҳам иштирок этади. Жамоатчилик мониторинг гуруҳи энг камида 9 кишидан (шундан 2 таси аёл киши) бўлиши тавсия қилинади. Шу тавсия асосида, белгиланган вазифалар асосида қуйидаги оптимал таркибни таклиф қилиш мумкин: мониторинг гуруҳи раҳбари, мониторинг гуруҳи кузатувчилари, вакиллик назорати вакили, ҳолисликни таъминлаб берувчи доимий аъзолари ва маҳалла мониторинги аъзолари.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, маҳаллий бюджет мониторинги муваффақияти айнан турли томонлар ўртасидаги муносабат шаклига боғлиқ. Агар мониторинг гуруҳи давлат органларига рақиб эмас, шерик сифатида кирса, маълумот олиш ва таъсир қилиш имконияти ортади. Шунинг учун ҳужжатда 0-қадам сифатида мониторинг гуруҳини шакллантириш расмий учрашуви белгиланган. Бу жуда тўғри ёндашув, чунки мониторингнинг легитимлиги бошидан мустаҳкамланади.

Жамоатчилик мониторинг гуруҳини шакллантириш қуйидагича амалга оширилади:

- 1) Жамоатчилик мониторинг гуруҳи таркиби туман Халқ депутатлари Кенгаши томонидан туман ҳокимлигининг тавсияси асосида Халқ депутатларининг туман Кенгаши Қарорининг иловаси сифатида тасдиқланади ва аъзолик танловда ғолиб бўлган ташаббусли бюджет лойиҳалари тўлиқ амалга оширилгунича амал қилади (лойиҳа одатда ҳар йили 2 марта ўтказилади ва ўртача 1 йил муддатда яқунланади).
- 2) Туман ҳокимияти, туман молия бўлими ва маҳалла уюшмаси туман бўлими ходимлари Жамоатчилик мониторинг гуруҳи аъзолиги кузатувчи сифатида қабул қилинади ва овоз бериш ёки гуруҳ раҳбарлиги лавозимига сайланиш ҳуқуқига эга бўлмайдилар.
- 3) Бундан ташқари, танловда ғолиб бўлган маҳалла фуқаролар йиғинининг раиси ва лойиҳа ташаббускори жамоатчилик мониторинг гуруҳи таркибига ўз маҳаллаларидаги лойиҳанинг мониторинги учун масъул аъзо сифатида қабул қилинади.
- 4) Шунингдек, МФЙ га бириктирилган халқ депутати, ННТ вакиллари, туман/шаҳар телевидениеси/газетаси журналистлари ва бошқа ҳолис иштирокчилар ўз ташкилотлари/маҳаллалари томонидан Жамоатчилик мониторинг гуруҳи аъзолигига 1

йиллик муддатга доимий аъзолари сифатида тавсия қилинади ва улар орасида Жамоатчилик мониторинг гуруҳи раҳбари сайлаб олинади.

5) Жамоатчилик мониторинг гуруҳи доимий аъзолари танловда ғолиб бўлган ташаббусли бюджет лойиҳалари жойлашган маҳаллалардаги маҳалла бюджети лойиҳалари мониторингини ҳам амалга оширадилар.

Гуруҳ аъзоларининг вазифалари

- 1) **Мониторинг гуруҳи раҳбари** (жамоатчилик мониторинг гуруҳи доимий аъзолари орасидан сайлаб олинади) – умумий режалаштириш, расмий хатлар, учрашувлар, назорат ва ҳисобот учун жавоб беради. Шунингдек, ташаббусли бюджет ва маҳалла бюджети доирасида харид қилинган товарлар ва хизматларнинг маҳаллада белгиланган мақсад бўйича фойдаланилаётганлигини текширади ёки мақсадга эришилмаганлиги сабабини ўрганади.
- 2) **Мониторинг гуруҳи кузатувчилари** – Туман ҳокимияти, Маҳалла уюшмаси туман бўлими ва туман молия бўлими ходимлари томонидан кузатувчи мақомида мониторинг гуруҳи аъзолигига қабул қилинади. Улар доимий мониторинг фаолиятига ҳалақит бермаган ҳолда, ташкилотчилик, бошқарув, молиявий ва соҳага оид ҳисобдорлик учун масъул давлат ходими вазифасини бажаришади. Туман/шаҳар молия бўлими ходими “Очиқ бюджет” ахборот порталидаги маълумотларни янгилаб туради ва аҳолини маҳаллада юз бераётган ўзгаришлар билан портал орқали хабардор қилиб туради. Маҳалла уюшмасининг вакили туман бўлими ходими маҳалла бюджетига оид маълумотларни янгилаб туради ва аҳолини маҳаллада юз бераётган ўзгаришлар билан портал орқали хабардор қилиб туради.
- 3) **Вакиллик назорати вакили** (Халқ депутатлари туман/шаҳар Кенгашининг маҳаллий бюджет, тадбиркорликни ривожлантириш ва иқтисодий ислохотлар масалалари бўйича доимий комиссия аъзоси ёки шу МФЙ га масъул депутат бўлиши мумкин) – лойиҳанинг вақтида бажарилиши, аҳоли эътирозлари, депутатлик сўровлари, қонунчиликка мувофиқ бошқа фаолият учун масъул бўлиб ҳисобланади. Якуний ҳисоботни Кенгаш сессиясида кўриб чиқиш учун сессия кун тартибига киритади.
- 4) **Мониторинг гуруҳи доимий аъзолари** ННТ вакиллари, туман/шаҳар телевидениеси/газетаси журналисти ва фаол блогерлар томонидан нейтрал равишда олиб борилади, улар объектни кузатади, лойиҳа натижасини баҳолайди, фото ва видео далиллар йиғиши, аҳоли билан суҳбатлар ўтказади, уларни қониқиш даражаси ёки норозилик кайфиятдагилар сабабини ўрганади. Шунингдек, журналист ва ОАВ вакиллари аҳолидан интервьюлар олади, коммуникация ва инфографика материалларини тайёрлайди ҳамда эришилган ютуқларни жамоатчиликка етказиш фаолияти (яъни, ўзлари фаолият юритаётган ОАВ ресурсларида нашр этиш) билан шуғулланади.
- 5) **Маҳалла мониторинги** (бенефициарлар, ҳар 1 та МФЙ дан энг камида 2 киши – маҳалла раиси ва лойиҳа ташаббускори) аъзолари – ўз маҳаллада лойиҳанинг кунлик маълумотларини йиғиш, эришилган натижани доимий равишда кузатиб бориш, босқичларни баҳолаш ва жамоатчилик мониторинг гуруҳининг бошқа аъзолари маҳаллага келганида аниқланган муаммоларни улар билан бирга кўриб чиқиш учун масъул бўлади.

Техник, молиявий, экологик ва бошқа соҳалардан саволлар юзага келганда, мониторинг гуруҳининг кузатувчи мақомидаги туман ҳокимияти вакили фуқаролар саволларига жавоб олиш мақсадида лойиҳачи/қурувчи ёки бошқа соҳа вакиллари кўшимча равишда лойиҳа жойига чақирилишини таъминлаб беради. Бунда, жамоатчилик мониторинг доимий аъзоларидан ёки аҳолидан шикоят келиб тушган ҳолларда –

тумандаги инфратузилма учун масъул корхоналар – йўл қуриш, сув ва электр таъминоти, ободонлаштириш бўлими ходимлари томонидан йўл, бино, жиҳоз, қурилиш ёки инфратузилма сифати бўйича жойида мустақил ўлчовлар ўтказилишини ва лойиҳа натижасини техник тарафдан баҳоланишини таъминлаб беради.

Аҳоли билан ҳар бир йиғилиш ёки учрашувлар Йиғилиш Баённомаси орқали расмийлаштирилади; Бундан ташқари, лойиҳалар рўйхати ва манзили, лойиҳаларга бориш графиги, бериладиган саволлар рўйхати, мониторинг учун зарур шакллар турлари, фикр-мулоҳазалар учун алоқа манзили, этика кодекси, техника хавфсизлиги қоидалари ва ҳкз. лар олдиндан тайёрлаб қўйилади.

Жамоатчилик мониторинг объектлари

- а) Ташаббусли бюджет лойиҳалари – Жамоатчилик мониторинги танланган маҳаллаларга борганида ташаббусли бюджет лойиҳаси ташаббускори ва маҳалла фаоллари билан учрашади, улар берган маълумотлари билан танишади.
- б) Маҳалла бюджети лойиҳалари – шунингдек, жамоатчилик шу жойни ўзида маҳалла бюджети лойиҳа ҳужжатлари билан ҳам танишади, ўрганиш олиб боради, эришилган натижалар ва муаммолар билан танишади ва ўз навбатида, тавсия ва маслаҳатлари ва расмий кўмак кўринишида ёрдам беради

Жамоатчилик мониторинг субъектлари

Жамоатчилик мониторингининг субъектлари бу лойиҳа татбиқ этилаётган маҳалланинг аҳолиси ҳисобланади. Жамоатчилик мониторинг гуруҳи мониторингни қайси маҳаллаларда ўтказишни ўзи мустақил равишда белгилайди. Гуруҳ туманда қолиб бўлган ташаббусли бюджет лойиҳалари жойига чиқиб ташаббусли бюджет ҳамда маҳалла бюджети лойиҳаларини мунтазам равишда ўрганиб боради. Бунда ҳар бир маҳалладаги лойиҳаларни таҳлил қилиб, зарур ҳолларда мутасадди ташкилотлар ёрдамида маълумотлар йиғиб, натижани/ўз хулосасини туман/шаҳар халқ депутатлари Кенгашига тақдим қилади.

VII. БАҲОЛАШ МЕТОДОЛОГИЯСИ: 4 МЕЗОН ВА “СВЕТОФОР” ТИЗИМИ

Иловада ҳар бир мониторинг объекти 4 та мезон бўйича 0 дан 5 гача баҳоланади ва умумий балл “**яшил**–**сарик**–**қизил**” шаклига ўтказиш орқали хулоса берилади. Бу жуда қулай ва амалиётга яқин баҳолаш механизми бўлиб ҳисобланади.

1-мезон. Шаффофлик ва ахборот олиш имконияти

1-Савол: фуқаро лойиҳа ҳақидаги тўлиқ маълумотни қанчалик осон топа олади?

Бунда қуйидагилар текширилади:

- лойиҳа ҳақида умумий маълумотлар ва ҳужжатлари билан танишиш имкони мавжудлиги;
- пудратчи (лойиҳачи/қурувчи/етказиб берувчи) ҳақида маълумотлар мавжудлиги;
- тендер натижаси очиқ маълумотлар базасида кўриниб туриши;
- офлайн ахборот стенди маҳаллада ўрнатилганлиги. У ерда шартнома шартлари, ижро муддати ва босқичлари маҳаллада эълон қилинганлиги;
- лойиҳа бажарилганидан сўнг қабул қилиш далолатномаси очиқ манбада кўрсатилганлиги.

Баҳолаш учун зарур воситалар: барча маълумотлар манбалари, масалан “Очиқ бюджет” (Openbudget) портали ва e-xarid скриншотлари, ҳаволалар рўйхати, ахборот сўрови шакли, маълумотлар эълон қилинган жойлар ва сайтлар манбаси.

2-мезон. Фуқаролар иштироки ва инклюзивлик

2-Савол: лойиҳани барча босқичларида аҳоли иштирокида амалга оширилдими?

Бунда қуйидагилар текширилади:

- Лойиҳани таклиф қилишда аҳолининг роли; Лойиҳани танлашда улар овоз бериш имкониятига эга бўлган/бўлмаганлиги;
- лойиҳани танлашда ёшлар, аёллар, кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар эҳтиёжи ҳам инобатга олинганлиги;
- лойиҳага оид иш жараёни ҳақида аҳолига ахборот бериб борилганлиги;
- лойиҳани амалга ошириш жараёнида (яъни лойиҳалашда/қуришда) мониторинг қилишда аҳолига (хоҳишига қараб) қатнашиш имкони берилганлиги;
- объектни қабул қилишда жамоатчилик иштирок этдими/хабардор қилинганлиги.

Баҳолаш учун зарур воситалар: сўровнома ва интервью натижалари, маҳалла йиғилиши баённомалари, иштирокчилар рўйхати, расм-видеолар.

3-мезон. Самарадорлик ва маблағлардан мақсадли фойдаланиш

- **3-Савол:** Молиялаштирилган иш лойиҳалаш ҳужжатларидаги чегарадан ошиб кетмаганми ва маблағ мақсадли ишлатилганми?

Бунда қуйидагилар текширилади:

- асоссиз юқори нархдаги позициялар ҳам мавжудлиги;

- зарур маҳсулотлар аниқ ва тўғри ҳажмда танланганлиги;
- иш ҳажми ва харажати мутаносиб ҳисобланганлиги.

Зарур воситалар: Калькулятор, Ехсел жадвали ва бошқа мутахассислар ёрдами керак бўлиши мумкин.

4-мезон. Сифат ва яқуний натижа

4-савол: Бажарилган ишдан / қурилган объект сифатидан аҳоли қониқдими?

Бунда қуйидагилар текширилади:

- Қурилган объектнинг жисмоний сифатининг яхшилиги;
- объектнинг техник меъёрларга мослиги;
- қурилиш ўз вақтида тугатилганлиги ва объект фойдаланишга тўлиқ тайёрлиги (яъни майда қўшимча ишлар ҳам яқунланганлиги);
- аҳолининг қониқиш даражасининг ошганлиги.

Зарур воситалар: синов учун зарур бўлган қурилмалар ва ўлчов воситалари, телефон (расм-видеога олиш учун), техник эксперт хулосаси, аҳоли қониқиш сўровномаси.

Балл қўйиш шкаласи

5 – тўлиқ мос ва намунавий;

4 – асосан яхши, кичик камчиликлар бор;

3 – қониқарли, бир қатор муаммолар мавжуд;

2 – паст даража, жиддий камчиликлар бор;

1 – жуда паст, тизимли муаммо;

0 – маълумот йўқ ёки оғир қоидабузарлик.

Яқуний ранг

16–20 балл – **яшил**;

10–15 балл – **сарик**;

0–9 балл – **қизил**.

Ушбу тизимнинг устунлиги шундаки, у мониторинг натижасини жуда тушунарли ва осон қабул қилинадиган шаклда кўрсатиб беради. Камчилиги шундаки, балл қўйиш субъектив бўлиб қолиши мумкин. Шунинг учун ҳар бир қўйилган паст баллга далил ва қисқа изоҳ мажбурий бириктирилиши лозим.

VIII. МОНИТОРИНГ ҚИЛИШНИНГ ҚАДАМБА-ҚАДАМ АЛГОРИТМИ

Қуйида жамоатчилик мониторинги жараёни 0-қадамдан 6-қадамгача аниқ кўрсатилган. Бунда мониторингнинг асосий қадамлари ва иштирокчилар вазифалар алоҳида таҳлил қилинади.

0-ҚАДАМ. Дастлабки учрашув ва гуруҳни шакллантириш

Бу босқич мониторингнинг институционал бошланғич нуқтаси ҳисобланади. Жамоатчилик мониторинги гуруҳи шакллантирилганидан сўнг туман/шаҳар ҳокимлиги бошчилигида, халқ депутатлари туман/шаҳар Кенгаши, туман/шаҳар молия бўлими ва туман/шаҳар маҳаллалар уюшмаси бўлими раҳбарияти ва бошқа аъзолар билан расмий учрашув ўтказилади. Бу учрашувнинг вазифаси – мониторинг мақсадлари, усуллари, чекловлари, кутилган натижаларни ва ҳар бир иштирокчининг вазифасини тушунтиришдан иборат бўлади. Бу босқич жамоатчилик мониторинги фаолиятига расмий мақом берадиган ҳамда мониторинг қилиш учун барча қадамлар, режалар ва мақсадлар келишиб олинadиган босқич ҳисобланади.

Бу босқичда қуйидаги ишлар бажарилади:

- жамоатчилик мониторинги гуруҳи вазифалари таништирилади;
- мониторинг қилишнинг мақсади ва кутилаётган натижалари тақдим қилинади;
- “Очиқ бюджет” (Openbudget) ахборот портали ёки “Маҳалла бюджети” рўйхатидан жамоатчилик мониторинги ўтказиладиган лойиҳалар танлаб олинади ва маҳаллага бориш режаси тузилади;
- мониторинг гуруҳи аъзолари учун зарур бўлган қўллаб-қувватлаш хатлари лойиҳалари тайёрланади ва кўриб чиқилади;
- ўзаро мулоқот қилиш учун кейинги учрашув вақтлари келишилади;
- маҳаллаларда йиғилган маълумотлар асосида тайёрланган ахборот маълумотларини ўрганиб чиқиш шартлари ва вақти келишилади.

Жамоатчилик мониторинги учун лойиҳа танлашда қуйидаги мезонларга эътибор қаратилади:

- Битта МФЙ томонидан танловни кўп маротаба ютган лойиҳалар (сабабини ўрганиш учун);
- кўп маблағ ажратилган лойиҳалар (самарадорлигини баҳолаш учун);
- шаҳар/туман марказидан нисбатан узоқроқ ва бир-бирига яқинроқ жойлашган лойиҳалар (логистика ташкиллаштириш осон бўлиши учун)
- аҳоли учун энг долзарб ва ижтимоий таъсир даражаси юқори бўлган лойиҳалар;
- лойиҳа жойлашган МФЙ дан шикоятлар кўплиги ёки шубҳалар мавжудлиги;
- лойиҳа якунланиши кечикаётган лойиҳалар (сабабини аниқлаш учун);
- якунланган ёки якунланиш арафасидаги лойиҳалар (қурилиш сифатини баҳолаш учун);
- заиф қатламлар учун аҳамиятли лойиҳалар (инклюзивлик даражасини баҳолаш учун).

Зарур воситалар

- расмий хат намунаси;
- тақдимотлар слайди ёки лойиҳалар борасида 2–3 бетлик қисқа маълумот;
- объект танлашда устуворлик бериш учун баҳолаш матрицаси;
- “Очиқ бюджет” (Openbudget) ахборот порталидаги лойиҳалари рўйхати;

- “Маҳалла бюджети” харажатлар рўйхати;
- учрашув баённомаси шакли;
- МФЙ паспорти ва режалаштирилаётган лойиҳа жойлашган харита.

Кутилаётган натижа

мониторинг гуруҳи “тўсатдан текширувчи” эмас, балки қонуний ва очиқ фаолият юритувчи жамоатчилик субъекти сифатида қабул қилинади. Энг долзарб 3-4 та лойиҳа танлаб олинади ва самарали мониторинг ўтказилади.

1-ҚАДАМ. Кабинет тадқиқоти

Иловада бу босқичда барча онлайнда кўрсатилган маълумотлар ўрганилади. Амалда бу босқич мониторингнинг асосий таҳлилий пойдевори бўлиб хизмат қилади. Агар кабинет тадқиқоти етарли даражада пухта бажарилмаса, маҳаллага бориш ўрганиш босқичида нимани текшириш кераклиги аниқ бўлмай қолади. Шунинг учун ҳар бир қурилиш объекти учун дастлабки хулоса тайёрланиши муҳим ўрин тутди.

Бу босқичда қуйидаги маълумотлар тўпланади:

- “Очиқ бюджет” (Openbudget) ахборот порталидаги барча зарур маълумотлар: лойиҳа номи ва бошқа умумий маълумотлар, ажратилган маблағ, пудратчи номи; иш муддати; объект манзили; шу МФЙ да бажарилган аввал бажарилган жамоатчилик лойиҳалари.
- e-harid.uz ва mc.uz сайтидаги барча зарур маълумотлар: тендер ёки харид натижалари (агар лойиҳа амалга оширилаётган ёки тугатилган бўлса), пудратчи номи; иш муддати; техник параметрлар; қабул қилиш режаси; шу пудратчи томонидан аввал бажарилган лойиҳалари.

Таҳлил қилиниши керак бўлган ҳужжатлар

- техник топшириқ;
- тендер эълонлари ва натижаси;
- шартнома шартлари;
- онлайн эълон қилинган маҳалла кенгаши ёки фуқаролар йиғини баённомалари
- бошқа маълумотлар.

Зарур воситалар

- интернет уланган компьютер;
- ҳаволалар рўйхати; барча юкланган файллар
- скриншот папкаси;
- маълумот йиғиш учун Excel жадвали;
- барча техник ва молиявий умумий маълумотлар.

Кутилаётган натижа

- танланган ҳар бир лойиҳа учун дастлабки қисқа маълумот (агар аниқланса, муаммолар рўйхати) тайёрланади.

2-ҚАДАМ. Маҳаллага бориб ўрганиш босқичи

Бу босқичда қурилатган лойиҳа объектига бориб ўрганиш, натижани кўздан кечириш, зарур ҳолларда ўлчаб кўриш, фото ва видео тасвирга муҳрлаш мўғим аҳамиятга эга. Бу босқич мониторингнинг эмпирик қисми бўлиб, аввалги босқичдаги йиғилган маълумотларни реал ҳолат билан солиштиради.

Агар объект қурилиш (масалан, янги боғча ёки йўл қуриш) ёки таъмирлаш (масалан давлат мактабини таъмирлаш) бўлса, техник экспертнинг хулосаси жуда муҳим. Асфальт қопламаси, девор, том, электрика, сантехника каби масалаларни фақат умумий кузатув билан баҳолаш етарли эмас. Шунинг учун баҳолашнинг техник қисмида техник мутахассислар хизматидан фойдаланиш самаралироқ натижа беради.

Бу босқичда қуйидагилар текширилади:

- лойиҳа объекти ростдан ҳам мавжудми?
- иш ҳажми ҳисоботда кўрсатилган ҳажмда ҳақиқатан бажарилганми?
- лойиҳа ҳақида ахборот баннери ёки стенди илинганми?
- иш сифати кўз билан кўрадиган даражада қониқарли бажарилганми?
- объект фойдаланишга тайёрми?

Бу босқичда қуйидаги текширув усулларида фойдаланилади:

- визуал кузатув;
- ўлчаб кўриш;
- фото ва видео тасвирга олиш;
- тезкор сўровнома варағини тўлдириш;
- маҳаллада яшовчи бенефициарлар билан қисқа суҳбат.

Зарур воситалар

- камераси бор смартфон;
- расмга/видеога олишда GPS/локацияни белгилаш имконияти;
- далилларни рақамлаш ва рўйхатдан ўтказиш варағи;
- қатнашувчилар рўйхати.

Қутилатган натижа: Маҳалла ҳақида ишончли маълумотларни олинади ва визуал баҳолашда аниқликни оширади.

2.1-ҚАДАМ. Маҳаллага бориб ўрганиш босқичида одамлар билан мулоқот қилиш

Лойиҳа объектидан фойдаланувчи аҳоли, маҳалла раиси ва зарур ҳолларда, пудратчи ташкилот вакили билан суҳбатлашиш лойиҳа ҳақида тасаввурни кучайтиради. Бу босқич лойиҳа объектининг ижтимоий натижасини тушуниб олиш учун жуда зарур.

Қуйидаги одамлар билан суҳбатлашилади:

- аҳоли ва объект фойдаланувчилари (бенефициарлар, яъни маҳаллада яшовчи фуқаролар, шу жумладан, аёллар, ёшлар, ногиронлиги бўлган шахслар, кам таъминланган аҳоли қатлами);
- маҳалла раиси ва маҳалла еттилиги аъзолари;
- маҳалла кенгаши аъзолари;
- зарур ҳолатда, пудратчи ва соҳа ташкилоти вакиллари.

Уларга бериладиган асосий саволлар

- Ушбу лойиҳа ҳақида олдинроқ билганмисиз ёки кейинроқ эшитдингизми?
- Лойиҳани танлашда иштирок этганмисиз?
- Иш жараёни ҳақида сизга ахборот бериб борилганми?
- Қурилаётган объектни сизга фойдали томонлари борми?
- Лойиҳалаштиришда қайси муаммо эътибордан четда қолди? Қандай таклиф бера оласиз?
- Лойиҳа тугаганидан кейин ҳам қайси муаммолар сақланиб қолиши мумкин?
- Сизнингча, сарфланган маблағ ва ресурслар оқилона ишлатилганми?

Зарур воситалар

- нашрга беришга розилик шакли;
- аудио ёзувлар;
- қисқа сўровнома;
- фокус гуруҳ баённомаси.

Ҳар битта кўчадан иштирок этган, камида 10 нафар лойиҳа фойдаланувчиси (бенефициарлар) билан фокус гуруҳ муҳокамасини ўтказиш тавсия қилинади. Бундан ташқари, энг камида 10 киши иштирок этган қисқа интервьюларни ҳам ўтказиш мониторинг қилишнинг асосини ташкил қилади. Аҳоли фикрини ўрганишда 1-2 та инсон билан чекланиб қолмаслик керак ака ҳолда, хулоса ишончсиз ва яроқсиз бўлиб қолади. Шунинг учун респондентлар сонини кўпроқ бўлиши мақсадга мувофиқ.

Кутилаётган натижа: Лойиҳа фойдаланувчилари (бенефициарлар)нинг фикрини олиш орқали, лойиҳа ҳақида ишончли маълумотлар тўпланади.

3-ҚАДАМ. Маълумотларни таҳлил қилиш ва баҳолаш

Маълумотларни маҳаллаларга бориб йиғиб келинганидан сўнг, мониторинг гуруҳи бирга ўтириб, уларни таҳлил қилиб чиқади. Бунда, тўпланган маълумотлар асосида мониторинг жадвали тўлдирилади, фокус гуруҳ муҳокамалари, йиғилиш баённомалари, интервью сўровномаларига берилган жавоблар орқали ҳар бир мезон бўйича белгиланган баллар қўйилади.

Баҳолашда субъективликни камайтириш учун ҳар бир лойиҳа учун қўшимча маълумотлар йиғиш ва иккиламчи текширувлар ва барчани фикрини ўрганиш ва ягона хулосага келиш орқали эришиш мумкин.

Бу босқичда қуйидаги ишлар бажарилади:

- ҳужжатдаги ва реал ҳолатдаги маълумотлар солиштирилади;
- бенефициар аҳолининг фикри расмий маълумот билан ўзаро текширилади;
- сифат ва натижа алоҳида баҳоланади;
- хатарлар ва муаммоли ҳолатлар қайд этилади.

Баҳолаш йиғилишидаги тартиб

- жамоатчилик мониторинги гуруҳидаги ҳар бир аъзо ўз далилини ёки йиққан маълумотини тақдим қилади;

- 4 та мезон бўйича ҳар бир лойиҳа алоҳида муҳокама қилинади;
- баллар далил/изоҳлар билан асосланади;
- қарор умумий келишув асосида қабул қилинади;
- алоҳида фикрлар бўлса, улар ҳам авторини кўрсатган ҳолда қайд этилади.

Зарур воситалар

- баҳолаш матрицаси;
- стикер ёки электрон доска;
- далиллар папкаси;
- Excel жадвали;
- балл асослаш формаси.

Қутилаётган натижалар

Ҳар битта лойиҳага 4 та мезон орқали баҳоланган рақамли хулосалар тайёрланади.

4-ҚАДАМ. Ҳисобот ва тавсияларни тайёрлаш

Барча лойиҳалар алоҳида мезонлар асосида баҳоланганидан сўнг, ҳар битта лойиҳа бўйича қисқа ва аниқ кўринишда (3-5 бетда) ҳисобот тайёрланади. Ҳисобот тайёрлашда қуйидаги таркибда бўлишига эътибор қаратилади:

- қисқача аннотация;
- лойиҳа объекти ҳақида маълумот;
- методология;
- эришилган натижалар;
- аниқланган камчиликлар;
- 4 та мезон бўйича баҳоланган жадвал;
- якуний балл ва ранг;
- фото-далиллар;
- хатарлар;
- ечимлар ва тавсиялар;
- иловалар.

Берилган тавсиялар қуйидаги нинг хусусиятлари

- манзилли бўлиши (аниқ ечим кўрсатиш);
- муддатли бўлиши (ечим орқали қанча муддатда ҳал бўлишини кўрсатиш);
- бажариш мумкин бўлиши;
- масъул ташкилотни белгилаш;
- натижага боғланган бўлиши.

Зарур воситалар

- ҳисобот шаблони;
- фото-видео иловалари;
- тавсиялар матрицаси;
- барча хулосалар жамланган бир бетлик қисқа хулоса.

Кутилаётган натижалар

Ҳисобот шакли тайёрланади

5-ҚАДАМ. Адвокация ва эскалация

Ҳисоботни тайёрлаш жараёнида аниқланган камчиликлар борасида мутасадди ташкилотга сўровнома юбориб мавжуд муаммога эътиборни қаратиш ва муаммони ҳал қилишга оид ёрдам сўраш мумкин. Агар муаммо ҳал бўлса, унда якуний ҳисоботни халқ депутатлари туман/шаҳар Кенгашига, ҳокимликка ва Маҳаллалар уюшмасига юбориш, ва натижаларни ОАВ ва ижтимоий тармоқларда эълон қилиш мақсадга мувофиқ.

Агар юборилган мурожаатга 15 кун ичида жавоб келмаса ёки юзаки жавоб келса, унда Жамоатчилик назорати ҳақидаги Қонуннинг 17-моддасига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 198-моддасига биноан чора-кўриш учун юқори турувчи ташкилотга мурожаат қилиш ёки халқ депутатлари туман/шаҳар Кенгаши сессиясига кўриб чиқиш мақсадида киритиш мумкин.

Адвокация каналлари

- Расмий тақдимнома;
- Кенгаш эшитуви;
- ҳокимликда учрашув;
- матбуот учун материал;
- маҳалла йиғилиши;
- ижтимоий тармоқларда инфографика.

Эскалация босқичлари

- биринчи мурожаат;
- эслатма хат;
- депутат ёрдами;
- оммавий ахборот воситалари;
- вилоят ёки республика даражаси;
- антикоррупция ёки ҳисоб палатасига мурожаат.

Зарур воситалар

- қисқа презентация;
- 1–2 бетлик хулоса;
- расмий хат;
- қайта мурожаат нусхаси;
- ОАВ учун тайёрланган пресс-релиз.

Кутилаётган натижалар

Лойиҳа ҳақида ҳисобот тайёрланади ва тегишли ташкилотларга юборилади.

6-ҚАДАМ. Натижаларни институционаллаштириш

Мониторинг натижалари узоқ муддатли самара бериши учун эришилган натижалар борасида ҳар чорак эшитув ўтказиш ва келгуси йил бюджетини режалаштиришда хулосаларни инобатга олиш мақсадга мувофиқ. Бунда, лойиҳаларни татбиқ этишдан аҳоли томонидан қўриладиган ижтимоий наф ва афзалликларини кўрсатиб ўтиш ҳамда лойиҳа натижасининг самарасини ошириш учун яна нималарга эътиборга бермоқликни аниқлаб олиш муҳим.

Институционаллаштириш элементлари

- чораклик жамоатчилик эшитуви;
- тавсиялар ижросини мониторинг қилиш бўйича рўйхат;
- кейинги йил бюджет устуворликлари билан боғлаш;
- маҳалла кесимида кузатув гуруҳлари;
- мақола ёзиш, кўрсатувлар қилиш, эришилган ютуқлар борасида оммани хабардор қилиш халқни давлатга ва эртанги кунига бўлган ишончини оширади.

Зарур воситалар

- чораклик мониторинг тақвими;
- йиллик жамоатчилик ҳисоботи.

Кутилаётган натижалар

Мониторинг тизими яхшиланади ва эришилган ижобий натижаларни янада кенгрок ёйишга имкон яратилади.

IX. ЖАМОАТЧИЛИК МОНИТОРИНГИ УЧУН ФОЙЛАЛАНИЛАДИГАН САВОЛЛАР ТЎПЛАМИ

Қуйида саволлар қисқартирилган тарзда келтирилган. Лойиҳа ва таклифга қараб рўйхат кенгайтирилиши мумкин.

1. Ташаббусли бюджетга оид саволлар

- Лойиҳага оид барча маълумотлар “Очиқ бюджет” (Openbudget) ахборот портали ёки “Маҳалла бюджети”да эълон қилинганми?
- Материаллар нархи ўртача бозор нархига мосми?
- Асфальт қопламаси/қурилиш объекти параметрлари техник талабларга мос келадими?
- Яқиндан қараганда нима камчиликлар аниқланди? (Визуал баҳолаш)
- Иш бажариш муддатидан кечикмаганми?
- Лойиҳа паспорти ахборот баннери сифатида кўринадиган жойга илинганми?
- Пудратчи ҳақида маълумот очиқ сайтларда борми? Қурувчининг рейтинги борми?
- Объектни қабул қилишдан олдин жамоатчилик эшитуви ўтказилганми?
- Объектдан ҳозир амалда фойдаланилмоқдами?
- Лойиҳа туфайли фойдаланувчилар сони ошганми?

2. Маҳалла бюджетга оид саволлар

- Маҳалла жамғармасининг ойлик кирим-чиқимлари сайтда эълон қилинганми?
- Маблағларни сарфлаш тўғрисидаги қарор фуқаролар йиғинида қабул қилинганми?
- Қарор баённомаси расмийлаштирилганми, онлайн турибдими?
- Лойиҳаларда устуворликни танлашда аҳоли ҳам қатнашганми?
- Маҳалла етилиги ёки маҳалла кенгаши таклифлари қай тартибда шаклланган ва расмийлаштирилган?
- Сарфланган маблағларнинг натижаси аҳоли учун сезилмоқдами?

3. Интервью учун зарур маълумотлар

- аҳолининг қониқиш даражаси (фоизда): _____
- лойиҳа амалга оширилаётганидан хабардорлик даражаси (фоизда): _____
- аҳолининг маҳаллий органларга/пудратчиларга ишониш даражаси (фоизда); _____
- сақланиб қолган муаммолар: _____
- мавжуд устувор эҳтиёжлар: _____.

4. Маҳаллага бориб кузатиш шаблони:

- объект номи: _____
- манзили: _____
- жойлашган локацияси / географик координатлари: _____
- ташриф санаси: _____
- бажарилган иш ҳажми (фоизда ва матнда): _____
- аниқланган камчиликлар: _____
- фото-видео мавжудми? (телеграм орқали илова қилинг) _____
- дастлабки хулоса: _____

- кейинги қадамлар: _____

5. Баҳолаш матрицаси

- 4та мезон: _____
- 1) Шаффофлик ва ахборот олиш имконияти: _____
- 2) Фуқаролар иштироки ва инклюзивлик: _____
- 3) Самарадорлик ва маблағлардан мақсадли фойдаланиш: _____
- 4) Сифат ва якуний натижа: _____
- 0–5 баллик тизимдаги баҳо: _____
- Ҳар бир баҳо учун далил/изоҳ: _____
- Якуний ранг ва далил/изоҳ: _____
- Устувор тавсиялар: _____

6. Ҳисобот шаблони

- Лойиҳа номи: _____
- қисқача хулоса: _____
- методология: _____
- эришилган натижалар: _____
- аниқланган муаммолар: _____
- қўйилган баллар: _____
- фото-видео: _____
- тавсиялар: _____
- иловалар: _____

Х. ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Юқоридаги методика матни ва таҳлиллар шуни кўрсатадики, ушбу ёндашувнинг энг кучли томони – у жамоатчилик мониторингини расмий тарзда шикоят қилишдан институционал назорат механизмига айлантиради. Айниқса, 4 мезонли баҳолаш тизими, 0-қадамдан 8-қадамгача бўлган алгоритм ва адвокация билан эскалация босқичларининг аниқ ажратилиши методологияни фойдали ва амалий восита сифатида намоён қилади.

Бироқ амалдаги заиф нуқталар ҳам бор. Биринчидан, жамоатчилик мониторинги гуруҳи техник таҳлил бўйича етарли кўникмага эга бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун, агар мониторинг вақтида аҳоли томонидан соҳага оид саволлар кўтарилса, уларга жавобни соҳа вакиллари берилишини таъминлаш лозим, ва аҳолини саволлар ва шубҳаларига етарлича жавоб берилиши керак. Иккинчидан, балл кўйишда субъективлик хатари бор; бу хатарни кўшимча маълумотлар йиғиш ва иккиламчи текширувлар билан камайтириш мумкин. Учинчидан, ҳисобот тайёрлашдан кейин қайта ўрганиш қадамлари бўлмаса, мониторингни таъсири пасаяди. Шу сабабли институционаллаштириш (чуқурроқ ёндашув) босқичи муҳим аҳамиятга эга. Тўртинчидан, “Маҳалла бюджети” бўйича маълумотлар доим ҳам қулай форматда очиқ бўлмаслиги мумкин; шунинг учун кўшимча жамоатчилик ахборот сўрови воситаларини ҳам фаол қўллаш зарур.

Қисқача айтганда, мониторинг, мулоқот ва ижро назорати бир-бирига боғлиқ бўлса, натижа беради. Фақат текшириш, фақат танқид ёки фақат ҳисоботнинг ўзи тизимли ўзгаришга олиб келмайди.

Мониторинг фаолиятига оид тавсиялар:

1. “Очиқ бюджет” (Openbudget.uz) ахборот порталида Сайёр-мониторинг бўлимида берилган маълумотлар тўлиқ эмас, ҳамма лойиҳаларда ҳам талаб этилган маълумотлар ва расмлар киритилмаяпти. Бу киритилаётган маълумотлар аслида ахборот порталини йилдан-йилга оғирлаштириб, порталдаги маълумотларни юклашни йилдан-йилга қийинлаштириб бормоқда. Айниқса, маҳалла бюджети саҳифасидаги маълумотлар узоқ кечикишлар билан очилмоқда. Бунинг олдини олиш мақсадида, порталдаги маълумотларни 2 га бўлиш тавсия қилинади:
 - a. Ташаббусли бюджет лойиҳалари 2021-2026 йиллардаги маълумотлари. Шу порталдаги маълумотларни ҳозирги мавжуд ҳолатида қолдирилади ва 2026 йилгача фойдаланиб, портал фаолиятини шу жойида тўхтатилади.
 - b. 2027 йилдан бошлаб янги ахборот портали янгидан ишлаб чиқилади, унда барча лойиҳалар ҳақида батафсил маълумотлар янги техник топшириқ ва жамоатчилик мониторинги талаблари асосида қайтадан 2027 йилдан бошлаб тўлдирилади. Бу порталда барча мавжуд бўш жадваллар ва устунларга маълумотлар тўлиқ киритиб борилади. Шу билан бирга жамоатчилик мониторинги маълумотларини киритишни имкони йўқ.
 - c. Шу билан бирга маҳалла бюджетига оид маълумотларни олишни яхшилаш мақсадида, 2027 йилдан бошлаб маҳалла бюджетига оид маълумотларни жамоатчилик мониторинги талаблари асосида янги порталга киритиб бориш мақсадга мувофиқ.
2. Аҳоли ва жамоатчилик асосида мониторинг қилиш методологияси маҳаллий бюджетлар, “Ташаббусли бюджет” ва “Маҳалла бюджети” доирасида маблағлар шаффофлиги, ҳисобдорлиги ва самарадорлигини ошириш учун кучли амалий восита бўлиб хизмат қилади. Юқорида таҳлил қисмида ёритилган ҳуқуқий асослар, мониторинг гуруҳини шакллантириш, 4 мезонли баҳолаш тизими, 0–8-қадамли жараён, баҳолаш варақлари ва


ҳисобот механизми ушбу кенгайтирилган методологиянинг асосини ташкил қилди. Агар ушбу методология тўғри қўлланилса, қуйидаги натижаларга эришиш мумкин:

- аҳолининг овози қарор қабул қилишга таъсир қилади;
 - маҳаллий бюджетдаги очиқлик ортади;
 - мақсадсиз ва самарасиз бюджет сарфи хавфи камаяди;
 - жамоатчилик ва ҳокимият ўртасида ишончли мулоқот шаклланади;
 - кейинги йил бюджетини режалаштиришда аниқ далилга асосланган устуворликлар асосида шаклланади.
3. Сайёр-мониторинг бўлимига киритилган маълумотлар базада/порталда сақланиб қолиши учун, мониторинг учун алоҳида янги очилган бошқа порталда сайёр-мониторинг натижалари (“аввалги ва кейинги ҳолати” рукнида) сақланса, халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши ёки Ишчи комиссия аъзоларига ёки бошқа назоратчи ташкилотларга натижани кўриб, келажақда тўғри хулоса қилишга имкон яратади. Шунингдек, сайёр-мониторинг бўлимида расм ва изоҳ ёзиш имконияти фақат Ишчи комиссиянинг масъул ходими ва ташаббускорни ўзига очиб берилган. Изоҳ ёзиш имконияти мониторинг гуруҳини бошқа аъзоларига, жумладан, МФЙ Раисига ҳам очиб бериш лозим. Шунда айрим ноаниқлар аниқлаштирилиб, таклифлар жойида киритилади ва келажақда кўп шубҳалар ва норозиликларни олдини олади.
4. Объектни қабул қилиш далолатномасини вебсайтга юклашда электрон рақамли имзо ёрдамида онлайн имзоланишини йўлга қўйиш лозим, шунда ким қачон имзолагани ҳаммага кўриниб туради, имзони қалбакилаштириш олди олинади, лойиҳачи/қурувчи-пудратчига тўловни амалга оширишдан олдин асос бўлиб хизмат қилади. Бунда, барча (сарик ва қизил рангдаги) изоҳларга ёзма тушунтириш берилмагунча, тўловни лойиҳачи/қурувчи-пудратчига амалга оширмаслик зарур.
5. Ҳозирги қонунчиликда жамоатчилик мониторинги ҳам деярли давлат ходимларидан иборат бўлган Ишчи комиссия зиммасига юклатилган. Уларнинг мониторинг ишларига вақти етмаслиги сабабли, мониторинг ишлари кўнгилдагидек бажарилмаяпти. Бунга аксинча, раҳбарнинг шахсий ташаббуси билан мониторинг фаолияти мажбурияти масъул ходимга юклатилган лойиҳаларда якуний натижа сифатида объект нисбатан сифатли қурилмоқда ва аҳолига узоқ хизмат қилмоқда. Жамоатчилик мониторинги вазифаси маҳалладаги қурилиш ишларини тушунадиган аҳоли қатлами ёки ташаббускор ташкилотдаги масъул ходимларга юклатилса ва улар қурилиш жараёнини ҳар куни мониторинг қилиб боришса, қурилиш объекти анча сифатли, ўз вақтида ва мустаҳкам қилиб қурилади. Шунингдек, қурилишни қиш фаслида бажармай, баҳоргача тўхтатиб турилса, қурилиш ишлари янада сифатли бажарилади ва қайта таъмирлашга ҳожат қолмайди.

1-ИЛОВА. Ташаббусли бюджет лойиҳаларининг Қашқадарё вилоятида татбиқ этиш жараёни борасидаги маълумот


Ташаббусли бюджет ва маҳалла бюджетини лойиҳалари Қашқадарё вилояти мисолида алоҳида таҳлил қилиб чиқилди. Таҳлил шуни кўрсатдики, Қашқадарё вилоятидаги шаҳарлар ва туманларда ғолиб бўлган лойиҳалар танлови бирмунча фарқ қилади. Лойиҳалар таркиби, сони, улуши йилдан йилга ўзгариб борган.

Қашқадарё вилояти ташаббусли бюджет лойиҳалари, 2021 йил 1-мавсум									
Шаҳар/ туман номи	Ажратилган маблағ, млрд сўмда	Танловда қатнашган лойиҳалар сони	Ғолиб бўлган лойиҳалар сони	Ички йўللار, %	Таълим, %	Ичимлик суви таъминоти, %	Тиббиёт, %	Электр таъминоти, %	Бошқа лойиҳалар, %
Қашқадарё вилояти	32,5	612	107	43,0%	11,2%	11,2%	2,8%	8,4%	23,4%
Қарши шаҳри		14	10	50,0%	10,0%	0,0%	0,0%	10,0%	30,0%
Шаҳрисабз шаҳри		58	3	100,0%	0,0%	0,0%	0,0%	0,0%	0,0%
Шаҳрисабз тумани		56	8	62,5%	12,5%	25,0%	0,0%	0,0%	0,0%
Нишон тумани		55	3	33,3%	0,0%	0,0%	0,0%	0,0%	66,7%
Ғузор тумани		36	5	20,0%	20,0%	0,0%	0,0%	60,0%	0,0%




Қашқадарё вилояти ташаббусли бюджет лойиҳалари, 2022 йил 1-мавсум									
Шаҳар/ туман номи	Ажратилган маблағ, млрд сўмда	Танловда қатнашган лойиҳалар сони	Ғолиб бўлган лойиҳалар сони	Ички йўллار, %	Таълим, %	Ичимлик суви таъминоти, %	Тиббиёт, %	Электр таъминоти, %	Бошқа лойиҳалар, %
Қашқадарё вилояти	105,2	2696	190	51,1%	16,3%	7,9%	8,4%	2,1%	14,2%
Қарши шаҳри		131	17	35,3%	41,2%	0,0%	5,9%	0,0%	17,6%

Қашқадарё вилояти ташаббусли бюджет лойиҳалари, 2022 йил 1-мавсум									
Шаҳар/ туман номи	Ажратилган маблағ, млрд сўмда	Танловда қатнашган лойиҳалар сони	Ғолиб бўлган лойиҳалар сони	Ички йўллар, %	Таълим, %	Ичимлик суви таъминоти, %	Тиббиёт, %	Электр таъминоти, %	Бошқа лойиҳалар, %
Шаҳрисабз шаҳри		156	9	22,2%	33,3%	0,0%	0,0%	0,0%	44,4%
Шаҳрисабз тумани		169	12	33,3%	0,0%	25,0%	8,3%	0,0%	33,3%
Нишон тумани		67	21	42,9%	14,3%	4,8%	9,5%	0,0%	28,6%
Ғузор тумани		114	11	27,3%	18,2%	9,1%	27,3%	9,1%	9,1%



Қашқадарё вилояти ташаббусли бюджет лойиҳалари, 2022 йил 2-мавсум									
Шаҳар/ туман номи	Ажратилган маблағ, млрд сўмда	Танловда қатнашган лойиҳалар сони	Ғолиб бўлган лойиҳалар сони	Ички йўллар, %	Таълим, %	Ичимлик суви таъминоти, %	Тиббиёт, %	Электр таъминоти, %	Бошқа лойиҳалар, %
Қашқадарё вилояти	133,8	3112	142	54,9%	22,5%	4,2%	5,6%	6,3%	6,3%
Қарши шаҳри		304	11	27,3%	54,5%	0,0%	0,0%	0,0%	18,2%
Шаҳрисабз шаҳри		128	6	0,0%	100,0%	0,0%	0,0%	0,0%	0,0%
Шаҳрисабз тумани		168	10	80,0%	0,0%	20,0%	0,0%	0,0%	0,0%
Нишон тумани		76	13	23,1%	30,8%	7,7%	0,0%	7,7%	30,8%
Ғузор тумани		217	9	44,4%	44,4%	0,0%	0,0%	11,1%	0,0%


Қашқадарё вилояти туманлари лойиҳалари, 2022 йил 2-мавсум




Қашқадарё вилояти ташаббуси бюджет лойиҳалари, 2023 йил 1-мавсум

Шаҳар/ туман номи	Ажратилган маблағ, млрд сўмда	Танловда қатнашган лоийҳалар сони	Ғолиб бўлган лоийҳалар сони	Ички йўллар, %	Таълим, %	Ичимлик суви таъминоти, %	Тиббиёт, %	Электр таъминоти, %	Бошқа лоийҳалар, %
Қашқадарё вилояти	284,9	4178	261	52,9%	25,7%	6,9%	6,5%	5,0%	3,1%
Қарши шаҳри		404	13	23,1%	46,2%	0,0%	23,1%	0,0%	7,7%
Шаҳрисабз шаҳри		246	8	0,0%	100,0%	0,0%	0,0%	0,0%	0,0%
Шаҳрисабз тумани		281	18	38,9%	22,2%	33,3%	0,0%	0,0%	5,6%
Нишон тумани		61	11	36,4%	36,4%	9,1%	9,1%	0,0%	9,1%
Ғузор тумани		152	17	35,3%	41,2%	17,6%	5,9%	0,0%	0,0%

Қашқадарё вилояти туманлари лойиҳалари, 2023 йил 1-мавсум




Қашқадарё вилояти ташаббусли бюджет лойиҳалари, 2023 йил 2-мавсум									
Шаҳар/ туман номи	Ажратилган маблағ, млрд сўмда	Танловда қатнашган лойиҳалар сони	Ғолиб бўлган лойиҳалар сони	Ички йўллар, %	Таълим, %	Ичимлик суви таъминоти, %	Тиббиёт, %	Электр таъминоти, %	Бошқа лойиҳалар, %
Қашқадарё вилояти	125,4	2830	100	73,0%	13,0%	3,0%	6,0%	1,0%	4,0%
Қарши шаҳри		227	8	25,0%	25,0%	0,0%	50,0%	0,0%	0,0%
Шаҳрисабз шаҳри		154	6	16,7%	66,7%	0,0%	16,7%	0,0%	0,0%
Шаҳрисабз тумани		162	7	71,4%	0,0%	14,3%	0,0%	14,3%	0,0%
Нишон тумани		117	5	40,0%	40,0%	0,0%	0,0%	0,0%	20,0%
Ғузор тумани		148	7	85,7%	0,0%	0,0%	0,0%	0,0%	14,3%




Қашқадарё вилояти ташаббусли бюджет лойиҳалари, 2024 йил 1-мавсум									
Шаҳар/ туман номи	Ажратилган маблағ, млрд сўмда	Танловда қатнашган лойиҳалар сони	Ғолиб бўлган лойиҳалар сони	Ички йўллар, %	Таълим, %	Ичимлик суви таъминоти, %	Тиббиёт, %	Электр таъминоти, %	Бошқа лойиҳалар, %
Қашқадарё вилояти	245,4	2188	186	70,4%	15,1%	2,2%	4,8%	4,3%	3,2%
Қарши шаҳри		170	15	26,7%	20,0%	0,0%	40,0%	0,0%	13,3%
Шаҳрисабз шаҳри		128	11	27,3%	36,4%	0,0%	27,3%	9,1%	0,0%
Шаҳрисабз тумани		120	13	53,8%	0,0%	30,8%	0,0%	7,7%	7,7%
Нишон тумани		80	11	72,7%	18,2%	0,0%	0,0%	9,1%	0,0%

Қашқадарё вилояти ташаббусли бюджет лойиҳалари, 2024 йил 1-мавсум									
Ғузор тумани		137	11	81,8%	18,2%	0,0%	0,0%	0,0%	0,0%




Қашқадарё вилояти ташаббусли бюджет лойиҳалари, 2024 йил 2-мавсум									
Шаҳар/туман номи	Ажратилган маблағ, млрд сўмда	Танловда қатнашган лойиҳалар сони	Ғолиб бўлган лойиҳалар сони	Ички йўллар, %	Таълим, %	Ичимлик суви таъминоти, %	Тиббиёт, %	Электр таъминоти, %	Бошқа лойиҳалар, %
Қашқадарё вилояти	179,3	1682	137	77,4%	10,9%	2,9%	2,9%	1,5%	4,4%
Қарши шаҳри		84	11	63,6%	0,0%	9,1%	9,1%	0,0%	18,2%
Шаҳрисабз шаҳри		97	7	28,6%	42,9%	0,0%	14,3%	0,0%	14,3%
Шаҳрисабз тумани		98	13	69,2%	7,7%	7,7%	7,7%	7,7%	0,0%
Нишон тумани		105	6	83,3%	0,0%	0,0%	0,0%	0,0%	16,7%
Ғузор тумани		72	9	55,6%	44,4%	0,0%	0,0%	0,0%	0,0%



Қашқадарё вилояти ташаббусли бюджет лойиҳалари, 2025 йил 1-мавсум									
Шаҳар/ туман номи	Ажратилган маблағ, млрд сўмда	Танловда қатнашган лоийҳалар сони	Ғолиб бўлган лоийҳалар сони	Ички йўллар, %	Таълим, %	Ичимлик суви таъминоти, %	Тиббиёт, %	Электр таъминоти, %	Бошқа лоийҳалар, %
Қашқадарё вилояти	264,6	1614	194	79,4%	10,3%	4,6%	2,6%	0,0%	3,1%
Қарши шаҳри		108	14	64,3%	0,0%	0,0%	7,1%	0,0%	28,6%
Шаҳрисабз шаҳри		96	11	36,4%	36,4%	0,0%	27,3%	0,0%	0,0%
Шаҳрисабз тумани		111	12	66,7%	0,0%	33,3%	0,0%	0,0%	0,0%
Нишон тумани		90	11	100,0%	0,0%	0,0%	0,0%	0,0%	0,0%
Ғузор тумани		90	11	81,8%	18,2%	0,0%	0,0%	0,0%	0,0%


Қашқадарё вилояти ташаббусли бюджет лойиҳалари, 2025 йил 1-мавсум




Қашқадарё вилояти ташаббусли бюджет лойиҳалари, 2025 йил 2-мавсум

Шаҳар/туман номи	Ажратилган маблағ, млрд сўмда	Танловда қатнашган лойиҳалар сони	Ғолиб бўлган лойиҳалар сони	Ички йўллар, %	Таълим, %	Ичимлик суви таъминоти, %	Тиббиёт, %	Электр таъминоти, %	Бошқа лойиҳалар, %
Қашқадарё вилояти	287,7	1477	191	88,5%	5,2%	1,6%	2,6%	1,0%	1,0%
Қарши шаҳри		95	14	42,9%	21,4%	0,0%	28,6%	0,0%	7,1%
Шаҳрисабз шаҳри		100	9	100,0%	0,0%	0,0%	0,0%	0,0%	0,0%
Шаҳрисабз тумани		78	12	100,0%	0,0%	0,0%	0,0%	0,0%	0,0%
Нишон тумани		59	10	100,0%	0,0%	0,0%	0,0%	0,0%	0,0%
Ғузор тумани		74	12	100,0%	0,0%	0,0%	0,0%	0,0%	0,0%

Қашқадарё вилояти ташаббусли бюджет лойиҳалари, 2025 йил 2-мавсум



Қашқадарё вилояти ташаббусли бюджет лойиҳалари, 2026 йил 1-мавсум									
Шаҳар/ туман номи	Ажратилган маблағ, млрд сўмда	Танловда қатнашган лойиҳалар сони	Ғолиб бўлган лойиҳалар сони	Ички йўллар, %	Таълим, %	Ичимлик суви таъминоти, %	Тиббиёт, %	Электр таъминоти, %	Бошқа лойиҳалар, %
Қашқадарё вилояти	253,8	1262	177	73,4%	16,4%	1,1%	4,5%	2,3%	2,3%
Қарши шаҳри	18,3	104	12	16,7%	66,7%	0,0%	8,3%	0,0%	8,3%
Шаҳрисабз шаҳри	13,6	104	12	50,0%	41,7%	0,0%	0,0%	0,0%	8,3%
Шаҳрисабз тумани	17,7	73	14	78,6%	0,0%	7,1%	7,1%	7,1%	0,0%
Нишон тумани	10,4	55	7	100,0%	0,0%	0,0%	0,0%	0,0%	0,0%
Ғузор тумани	15,6	66	11	72,7%	27,3%	0,0%	0,0%	0,0%	0,0%



Ғолиб бўлган лойиҳалар сонига эътибор берадиган бўлсак, 2021-2026 йиллар оралиғида бор йўғи 65 фоизга (2021 йилда 107 тадан 2026 йилда 177 тага) ошган бўлса-да, танловда қатнашган лойиҳаларнинг 5 йиллик ўзгаришлари даражаси 106,2 фоизга (яъни 2 баравардан кўп) ошган. Лойиҳалар сони сезиларли даражада ўзгармаган бўлсада, 5 йил давомида уларга ажратилган маблағлар миқдори 681 фоизга (2021 йилда 32.5 млрд сўмдан 2026 йилда 253.8 млрд сўмга), яъни 6.8 бараварга ошган. Ўз навбатида, ғолиб лойиҳалар тўплаган овозлар сони 2021 йилда 78 мингтани ташкил қилган бўлса, 2026 йилга келиб бу рақам 1,1 млн тани (бу доимий аҳолининг 1/3 қисмига тенг) ташкил қилди. Яъни аҳолининг фаоллиги шу давр мобайнида 13 бараварга ошган. Бунинг маъноси шуки, ташаббусли бюджет лойиҳасига аҳоли томонидан қизиқиш йилда-йилга ортиб бормоқда ва бу фаолиятни кенгайтириш аҳоли фаровонлиги янада ошишига олиб келади.

Қашқадарё вилоятида 2021 йилда ғалиб бўлган 107 та лойиҳалардан 43 фоизи ички йўлларни таъмирлашга қаратилган бўлса, 2025 йил охирига келиб мазкур кўрсаткич 88,5 фоизга етган. 2026 йилда ички йўлларни таъмирлаш лойиҳалари биров, яъни 73,4 фоизга пасайган бўлса-да бу ҳолат асосан депутатлик танлови ва шерикчилик асосидаги лойиҳаларда бошқа соҳа лойиҳаларини танлаш билан ҳам боғлиқ, лекин бу кўрсаткич ҳамон юқориликча қолмоқда. Ички йўлларни таъмирлаш Шаҳрисабз, Нишон ва Ғузор туманларида юқори, Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларида ундан икки баравар паст. Бундан келиб чиқадики, шаҳарларда ички йўллар нисбатан яхшироқлиги сабаб, аҳоли ўз эътиборини бошқа соҳалардаги, масалан таълим ва тиббиёт соҳаларидаги лойиҳаларига қаратмоқда. Бундан ташқари, битта лойиҳа учун ажратиладиган маблағ ички йўлларни таъмирлашда тўлиқ сарфланса ва 6 ойгача битирса, кичикроқ 1 қаватли биноларни қуриш ва кўп қаватли мактабларни таъмирлашда сарфланадиган маблағлар қиймати ва қуриш муддати аниқ эмас, қуриш муддати ҳам 9-12 ойгача чўзилиши ҳам мумкин, бу эса аҳолини лойиҳа танлашида ҳалақит беради. Бундан ташқари, барча қуриш ва таъмирлаш ишларига Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдори (яъни 412 минг сўм) нинг 4000 баравари (яъни 1,648 млрд сўм) этиб белгиланган бўлса, жиҳозлар харид қилиш учун сарфланадиган харажатлар чегараси 2 бараварга, яъни Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 2000 баравари (яъни 824 млн сўм) гача миқдорда чегараланди. Бу эса ўз навбатида, қурилиш соҳаларидаги лойиҳаларга бўлган эҳтиёжни оширади.

